

ФАКТ

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 21 январь куни Давос шаҳрида Тинчлик кенгаши низомини имзолаш маросимида иштирок этди.

✓ Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов ҳамкасблари билан биргаликда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашди.

✓ Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистонда 1 февралдан бошлаб, ишлаб чиқарилганига 50 йилдан ошган транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

✓ 24-27 январь кунлари Тошкентда Осиё олимпия кенгаши(ОСА)нинг навбатдаги 46-Бош ассамблея йиғилиши ва унинг доирасида бир қатор спорт тадбирлари ўтказилади.



ЎЗБЕКИСТОН ТОНГЛАРИНИ БЕДОР АСРАЙМИЗ

Одамзотнинг инсоний тийнати ва руҳий ҳолатига хос бирор жиҳат йўқки, улар ҳазрат бобомиз Алишер Навоийнинг ўлмас асарларида ўз ифодасини топмаган бўлса. Улуғ мутафаккирнинг фикрлари асрлар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмай, аксинча, замонлар суръати тезлашган сайин янада теран маъно касб этиб бормоқда. Масалан, эл аро ниҳоятда машхур бўлиб кетган "Йёлу ватан узра то жони бор, Киши

ҳарб этар токи имкони бор", деган байтини эслайлик. Бу ҳикматли сўзлар орқали Навоий бобомиз инсонни фақат ўтмиш ёди билан, мавҳум орзу-хаёллarga берилиб яшамасдан, бугунги куннинг ўткир талаб ва таҳдидларига масъулият билан жавоб беришга, доимо ҳушёр ва амалий ҳаракатда бўлишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrollи Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 13 январда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган

йиғилишида сўзлаган нутқи мазмуни, назаримда, аввало, чуқур англаган давлатчилик руҳи билан ҳамоҳанглик касб этди. Ушбу маъруза нафақат ҳарбий хавфсизлик масалалари, балки бутун мамлакат ҳаётини, халқ осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги муаммоларни кенг қамраб олгани ва энг устувор вазифаларни аниқ белгилаб бергани билан аҳамиятlidir.

(Давоми 2-саҳифада.) ➤

БАТАН МАНЗУМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БИТТА-Ю БИТТА

Бу оламда гул кўп, чаман кўп,
Ўзбекистон битта-ю битта.
Атрофда яхши кўп, ёмон кўп,
Ўзбекистон битта-ю битта.

Дарё кўрган, чўққи кўрган эл,
Азал боши дўппи кўрган эл,
Ўзи айтсин, кўпни кўрган эл,
Ўзбекистон битта-ю битта.

Тинчлик қадрин билмаслар қанча,
Худо билсин, ҳали кўп анча,
Нотинч олам аро бир парча
Ўзбекистон битта-ю битта.

Ҳар ўғлону қизин шашти зўр,
Боланг сендан ўтса, гашти зўр,
Муштумзўрмас, лекин мушти зўр
Ўзбекистон битта-ю битта.

Дадил қадам отсак бу чоғлар,
Ғашингиз келмасин, олчоқлар.
Тақиб кўяй ё кўзmunчоқлар,
Ўзбекистон битта-ю битта.

Бизники бор таровати ҳам,
Совуғи ҳам, ҳарорати ҳам,
Билиб қўйсин валломати ҳам,
Ўзбекистон битта-ю битта.

Четдан туриб ҳуриш керакмас,
Чорласа юз буриш керакмас,
Аллақайга "суриш" керакмас,
Ўзбекистон битта-ю битта.

Дил гавҳарим, ёлғиз дурдонам,
Ғирром уйинларда мардонам,
Пешонамга битган ягонам –
Ўзбекистон битта-ю битта.

Ғаффар ШЕРАЛОВ

(4-саҳифада ўқинг.) ➤

ЭХТИРОМ

Ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги адабий дўстлик узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу икки халқ асрлар давомида бир китобни бирга ўқиган, ҳамиша бир-бирини теран англаган. Аслида, Туркистон жадидларининг ҳам, озарбайжон маърифатпарварларининг ҳам юксак ғоялари Алишер Навоий, Низомий Ганжавий каби улуғ сиймоларнинг нодир асарларидан сув ичади. Чунки Навоий ижоди миллиятдан озикланган ва башариёт меросига аллақачон айланиб бўлган. Илму урфон, адабу аркон кони бўлган бу муҳташам мерос ҳамиша янги ғояларни илгари суришга ундайди.

Озарбайжоннинг XVI асрда яшаб ижод қилган машхур шоири Неъматуллоҳ Кишварий улуғ Алишер Навоийни ўзига устоз деб билган ва ғазалларига назиралар боғлаган. Кўпинча туркий адабиёт деганда, биринчи навбатда Алишер Навоий сиймосини кўз олдимизга келтирамиз. Ҳолбуки, унга қадар ҳам бу гўзал тилда ижод қилган йирик шоирлар анчагина бўлган. XIII–XIV асрларда Юнус Эмро, Саййид Имоиддин Али Насимий каби мутафаккирлар туркий шеъриятнинг маънавий-ирфоний асосларини мустаҳкамлади. XV асрда эса Лутфий, Атоий, Саккокий, Гадоий сингари шоирлар туркий адабий тилнинг бадий имкониятларини кенгайтириб, уни юксак поэтик даражага кўтардилар. Ана шу бой аъёна неғизда Алишер Навоий туркий тилни мумтоз адабиёт тили сифатида камол топтириб, унинг имкониятларини жаҳон адабиёти миқёсига олиб чиқди. Навоийнинг улардан фарқи, унинг давлат арбоби ўлароқ ўзбек тилини тўлақонли расмий тил даражасига олиб чиққанидир!

Маълумки, 1926 йилда туркология илмида муҳим ва тарихий бир воқеа содир бўлди – Боку шаҳрида Биринчи Туркология Қурултойи ўтказилди. Унда туркий эллар тиллари, адабиёти, тарихи ва маданиятига оид масалалар кенг муҳокама қилинди. Шу ерда лотин алифбосига ўтиш, ўроқ тил ва адабий ифода мезонлари юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди. Қурултойда 131 нафар олим, тилшунос, тарихчи ва адабиётшунос иштирок этди. Бу тадбир туркология тарихида муҳим босқич бўлиб, туркий халқлар маданий ва илмий алоқаларини мустаҳкамлашда асосий роль ўйнади. Табиийки, унда Туркистон жадидлари ҳам иштирок этган.

(Давоми 4-саҳифада.) ➤

ИЛМ ЙЎЛИ

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

ЎзФА О.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти директори, академик Аббосхон ТўРАЕВ билан суҳбат

– “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик”, деб ёзганди Абдулла Қодирий. Ушбу муассаса қарийб ярим аср аввал ташкил этилган экан. Бунга қандай эҳтиёж туғилган эди? Бу даргоҳга нега айнан Обид Содиқов номи берилган?

– Жуда ўринли савол бердингиз: бугунги ютуқлар, истиқболдаги режалар кафолатининг пойдеворини қўйиб берганларни ёд этиш, хотирасига ҳурмат кўрсатиш биз – шогирдларнинг бурчимиз. Биоорганик кимё институти Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли биоорганик кимё бўлими неғизда 1977 йил июль ойида ташкил этилган. Институт яратилиши кимёда янги йўналиш – тирик ҳужайрада биологик фаол модда тузилиши билан функцияси орасидаги ўзаро боғлиқлиқни ўрганувчи биоорганик кимёнинг шиддатли ривожланиши бошланиш вақти билан мос келган. Органик кимё, физик-кимёвий биология ва биоорганик кимё методлари замонавий биотехнологияга асос бўлди.

Институтнинг ташкил этилиши ва ривожланиши таниқли кимёгар олим, академик Обид Содиқович Содиқов номи билан боғлиқ. Биоорганик кимё ривожига қўшган улкан хизматлари эътиборга олиниб, 1987 йилда институтга олим номи берилди.

Обид Содиқович Ўзбекистонда кимё фанининг ташкилотчиларидан бири эди. Марказий Осиё ёввойи флораси табиий бирикмаларини ўрганиш амалиётида олимнинг улкан ҳиссаси бор. Устоз кимё фанида янги йўналиш ҳамда мамлакат ва хорижда таниқли бўлган тадқиқотчилар мактаби-ни яратган. 500 дан ортиқ илмий нашр, жумладан, 7 та монография муаллифи, 10 нафар фан доктори ва 80 дан ортиқ фан номзодларини тайёрлаган.

– Ўз вақтида улуғ олимлар Обид Содиқов, Абдували Абдувахобов, Шавкат Солиқов, бугунги кунда академик Аббосхон Тўраев раҳбарлик қилаётган институтнинг фаолияти, илмий изланишлар ва янгиликлар ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Институтимиз фаолияти тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги соҳалари билан узвий боғлиқ. Ушбу йўналишлардаги муаммолар ечимини илмий изланишларимизда ўз аксини топган.

(Давоми 5-саҳифада.) ➤

ТУРИЗМ

МАҚСАД ВА ИМКОНИЯТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Маҳлиса ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг кўламли ислохотлар давомийлиги ва тараққиёт йўналишларини белгилаб берган муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Ушбу нутқ нафақат ўтган давр сарҳисоби, балки мамлакатимизнинг 2026 йил ва ундан кейинги йиллардаги иқтисодий, ижтимоий ва маънавий қиёфасини чизиб берган стратегик дастуруламалдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳам-жамияти учун нафақат қадимий Ипак йўлидаги тарихий манзил, балки юқори технологияли сервис ва замонавий инфратузилмага эга бўлган хавфсиз ва жозибадор туристик марказ сифатида қайта кашф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари туризмни миллий иқтисодийetni диверсификация қилишдаги энг катта захиралардан бири сифатида кўрсатиб ўтди. Унга кўра, эндиги вазифа, биринчидан, юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини кўпайтириш, иккинчидан, ҳар бир келган меҳмонга юксак даражада хизмат кўрсатиш, уларнинг хавфсизлиги ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятларни сафарбар этишдир.

(Давоми 3-саҳифада.) ➤



ЎЗБЕКИСТОН ТОНГЛАРИНИ БЕДОР АСРАЙМИЗ

Бошланиши 1-саҳифада.

Президентимиз маъруза аввалида умум-миллий хавфсизлик хусусида тўхталиб, жумладан, маънавий-мафкуравий муҳофаза масаласига алоҳида урғу берар экан, бундан олти йил аввалги воқеа кўз олдимга келди. 2020 йил 12 январь куни Мудофаа вазирлиги академиясида ўтказилган йиғилишда, янглишмасам, илк бор илму зиё аҳли, адибу шоирлар, тарихчи олимлар ҳам иштирок этган эди. Кейинги йилларда Ватан ҳимоячилари куни арафасида Хавфсизлик кенгашининг йиғилишларини мана шундай кенгайтирилган тарзда ўтказиш анъана тусини олди.

Президентимиз ҳарбий қудратни юксалтириш, мамлакат хавфсизлигини фақат ҳарбий тайёргарлик ва энг замонавий техникаларга боғлаб қўймай, Қуролли Кучларимизнинг руҳий-маънавий салоҳиятини ошириш, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида урғу берди. Ҳатто таълим-тарбия масканлари, ҳарбий қисмларда ўқиб-ўрганилиши зарур бўлган миллий адабиётимизнинг сара намуналари номма-ном санаб ўтилди. Бу асарларни нафақат ҳарбий хизматчилар, балки бутун халқимиз қилиши муҳим эканлиги таъкидланди.

Очигини айтганда, бундай аниқ адабий мисоллар шахсан мен учун қутилмаган, ўта таъсирли ҳолат бўлди. Тилга олинган асарларни беихтиёр бирма-бир хотирамдан ўтказиб беришди. “Нега айнан “Алпомиш?” деган саволга жавоб қидирдим ва шундай фикрга келдим: “Алпомиш” — халқимизнинг минг йиллик ўтмиши, тарихий тафаккури, турмуш тарзи, қадрият ва урф-одатлари, энг муҳими, қаҳрамонлик тийнаниши ўзида мужассам этган буюк эпос, фольклор санъатимизнинг бетакрор дурдонасидир.

“Бобурнома” асари эса ҳар қандай машаққатлар ичра юрагидея Ватан туйғусини сўндирмай яшаб ўтган мард ва матонатли аждодларимизга руҳий яқинлик, она заминга садоқат ҳисларини ёлқинлантиради. “Ўткан қулар” романи халқимизнинг ноёб маънавий бисоти



сифатида миллионлаб қалбларга покиза инсоний туйғулар, ватанпарварлик, элсеварлик, фидойилик туйғуларини сингдириб келмоқда. Абдулҳамид Чўлпоннинг “Халқ”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеърлари эл-юртимизнинг нарасмий мадҳиясига айланиб кетгани, Президентимиз ибораси билан айтганда, айни “адолатли ҳақиқатдир”.

Президент тилидан алоҳида таъкидлаб ўтилган, номма-ном зикр этилган ушбу бадий намуналар, аввало, минглаб йиллар давомида Ўзбекистон заминидея яшаб келаётган халқ ва элатларнинг руҳий оламини, асрлар оша шаклланган ҳаёт тарзи ва турмуш фалсафасини ўзида тиниқ ва яхлит мужассам этган ўлмас асарлардир. Уларда акс этган барча фикр, фалсафа ва тарихий манзаралар бир бутунлиқда Ватан, яъни Ўзбекистон туйғусини алангалатади. Ана шу туйғу оловидан қувват олган халқ сира иккиланмай, ардоқли шоиримиз Мухаммад Юсуфнинг: “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” — деган ўтли наърасига жўр бўлади. Ўз юрти учун ғурурифтхорга тўлиб, ҳеч қандай таҳдид, оловоташ олдида саросимага тушмайди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчилар, шунингдек, барча ёшларимиз, халқимизнинг каттаю кичигини огоҳ ва сезгир бўлиб яшашга, бунинг учун эса чуқур мушоҳада юритишга, замонавий дунёқарашга эга бўлишга даъват этмоқда. Бу асарлар адабиёт ва санъат, таълим-тарбия соҳалари учун амалий дастур, ватанпарварлик ғояси учун концептуал асос вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Йиғилишда бошқа кўпгина муҳим масалалар қаторида жамиятимизда мутолаа маданиятини ошириш, китобхонлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 1 миллион нусхада китоб чоп этиб, республикадаги кутубхона ва қироатхоналарга, энг аввало, барча ҳарбий қисмларга бепул тарқатиш вазифаси ижодий ва илмий ташкилотлар мутасаддиларига юклатилди. Мамлакатимизда бир неча йилдан бери анъанага айланган китобхонлик мусобақалари амалиётини ҳарбий қисмларда ҳам жорий этиш, ғолиб ҳарбийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ташаббуси эълон қилинди. Бу тақдир йиғилиш иштирокчилари томонидан қизгин кутиб олинди.

Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги кен-

гайтирилган йиғилиши мамлакатнинг ҳарбий салоҳияти, армияни энг замонавий ҳарбий техника билан мунтазам модернизация қилиш, ҳарбий-маъмурий округларда амалга оширилаётган ишлар, ҳарбий хизматчиларнинг моддий таъминоти, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш каби қатор долзарб масалаларни қамраб олди. Соҳа мутасаддиларининг ҳисобот ва тақлифлари атрофича тингланди. Ҳеч бир йўналиш эътибордан четда қолмади.

Президентимиз ҳарбий соҳанинг пойдевори ҳам замонавий билим ва илғор тажрибаларга таяниши шартлигини қайта-қайта таъкидлади. Ахборот технологиялари, сунъий интеллект йўналишларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ вазифалар чуқур таҳлил қилинди.

Халқаро вазият тобора мураккаблашиб, таҳликали тус олаётган, қутилмаган воқеалар содир бўлаётган бугунги шароитда давлат суверенитети, миллий истиқлолни сақлаш ва мустақамлаш энг муҳим вазифамиз, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи эканлиги яна бир бор таъкидланди. Пировардида,

Президентимиз: “Биз энди ҳар қачонгидан ҳам кўра бирдам ва жипс бўлишимиз керак”, деган фикрни олға сурди.

Дарҳақиқат, бугунги қалтис ва мураккаб давр бутун халқимиздан, биринчи навбатда, зиёлиларимиздан яқдил ва ҳамжиҳат бўлиш талаб қилмоқда. Афсуски, ҳозирги вақтда айрим зиёлиларимиз тарихимизда ўтган улуг адиб ва арбобларимизга нисбатан ноҳақ, биреплама фикр билдириб, жамоатчилик ўртасида турли тушунмовчилик, низо ва зиддиятларни келтириб чиқараётгани ғоят ачинарли ҳолдир. Жамиятнинг соғлом фикрли намоёндалари бунга йўл қўймаслик дунш фаол курашишлари зарур.

Қадим аждодларимиз, донишманд оталаримиз: “Бўладиган эл бир-бирини ботирим дер, бўлмайдиган эл бир-бирининг этини ер”, дея бежиз ўғит айтмаган. Бугун миллий бирлик, миллатлар ва динлар ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни таъминлаш — энг муҳим масаладир.

Давлатимиз раҳбарининг якуний сўзлари ҳар бир иштирокчи қалбидея ишонч ва қатъиятнинг янада мустаҳкамлади: “Орта йўл йўқ. Ўз ҳаётимиз, келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Янги Ўзбекистонни, қанчалик қийин бўлмасин, барчамиз биргалиқда барпо этамиз. Тинчлигимизни, тотувлигимизни сақласак, улуғвор марраларга албатта етамиз!”

Президентимизнинг ҳар бир ўзбекистонлик тақдирини учун масъул ва жонқидо инсон сифатида айтган бундай теран фикрлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Беихтиёр ҳаёлимга жўмард ўзбек шоири Миртемирнинг мустабид тузум даврида битган “Ўзбекистон тонглари бедор кутган кўзларини” деган армонли, дардли мисраси келди. Ҳассос шоиримиз минг-минглаб ота-боболаримиз сингари юртимиз тонглари — миллий мустақиллигимизни мана шундай армон ва интизорлик билан кутган эди. Биз — бугунги авлод шу улуг неъматнинг муносиб эгалари сифатида Ўзбекистонимизнинг беғубор тонглари, мусаффо осмонини кўз қорачиқдек асрашга ҳар томонлама масъул ва жавобгармиз.

Шухрат РИЗАЕВ,

адабиётшунос

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

– Элмира Абдуманноповна, маҳалла – катта бир оила эканини биламиз. Ҳамма оилаларда бўлгани каби бу “рўзғор”нинг ҳам ўзига яраша паст-баланди, ютуқ-муаммолари бўлиши табиий. Шу маънода, катта ҳовлининг бекаси бўлиш қийин эмасми?

– Жуда чироили ўхшатиш қилдингиз. Мен 16 йилдан буён маҳалла тизимида ишлайман. Ўтган вақт мобайнида баланд-пастларни қаричлаб ўргандим. 2025 йил май ойида “Орзу” маҳалласи раислигига сайландим. Очигини айтман, овоз бериш натижаси менинг фойдамга бўлишини кутмагандим. Маҳалладошларим ишончидан кўнглим кўтарилган бўлса-да, юрагимда бироз хавотир, ҳадиқ пайдо бўлди. Лекин оиланинг, ҳамкасбларимнинг далдаси билан ўзим кўрган-билган жойда тезда ишга киришиб кетдим.

Ходим бўлиб юрган йилларимда баъзиларнинг аёл раҳбарларга истеҳзо билан нописанд қарашини кўриб, кўнглим чўккан пайтлар бўлган. Лекин ўзим раис бўлгач, билдимки, одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартириб, хотин-қизларнинг ютуқларидан қувонадиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган жамиятга айланибмиз. Бу бежиз эмас, масъул вазифаларда фаолият юритаётган аёллар, олий маълумотлилар сафини кенгайтираётган қизларимиз одамлар онгидея эскилик қоллиларини парчалаб, музларни эритмоқда.

Айтилик, Олмазор туманида 64 та маҳалла бўлса, раис сифатида 10 нафар аёл иш олиб боради. Иш ва оилани баробар ушлаш ҳам муҳим бу ўринда. Чунки маҳаллага раҳбарлик қиладиган, одамларни бирлаштирадиган, яхши-ёмон кунидея ёнида турадиган, одамнинг ўзи уй-рўзгорини саришта қилиб қўйган бўлиши керак. Оилам тарозининг бир палласида турса, катта оила – маҳалламни тарозининг иккинчи палласига қўяман. Иккаласини баробар тутишга ҳаракат қиламан. Оилам кўмагида зиммамдаги масъулиятни вазифани имкон қадар удалаб келялман.

Муҳими, бугунги кунда тумандаги намунали маҳаллалардан биримиз. Албатта, гуруҳ қурмакис бўлмаганидек, маҳалла аҳли орасида, иш жараёнида турли ҳолатлар юз бериб туради. Лекин, умуман олганда, маҳалламиз тинч.

– Фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий онгини ошириш, ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунириш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз. Муҳим қарорлар ижроси-



ни таъминлашда маҳалланинг ўрни қандай?

– Маълумки, ҳар бир маҳалла тизимида раис бошчилигида еттилик мавжуд. Бу еттилик давлатимиз раҳбари ҳажда ҳукумат томонидан чиқарилган қўжатлар моҳиятини аҳолига ўз вақтида етказишни зиммасига олган. Шунингдек, маҳалла кўмитаси қошида Оқила аёллар кенгаши, Аёллар маслаҳат маркази фаолият юритади. Улар ҳар ойда йиғилиб, олиб борилаётган ишлар натижаси, навбатдаги муҳим вазифалар ҳақида маслаҳатлашиб олади. Айтилик, бир сафар нурунийлар йиғилса, келаси сафар ёшлар билан суҳбат ташкил этилади. Зарурат туғилса, баъзи масалалар бўйича четдан мутахассислар тақлиф қилинади. Маҳалламиз фаоллари орасида нафақада бўлган ҳуқуқшунос аёл бор. Бундан ташқари, бизга ҳамкор ташкилот ҳисобланган Миллий гвардиядан ҳам ҳуқуқшунос мутахассис ҳар жума кунини маҳалламизга келиб, аҳолидан келиб тушган мурожаатларга ечим топишда ёрдам беради. Биласизми, шу кунини катта 10-15 одам ҳуқуқий ёрдам олиб, ўз муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўлади.

Президентимизнинг ўтган йил якунида Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси маҳалламиз

фуқароларига шу воқеликнинг эртасигаёқ кенг миқёсда етказилди. Йиғилишда маҳалла учун муҳим янгилик – 2026 йилга “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб ном берилгани ва унинг мазмун-моҳияти, маҳаллани ривожлантириш масаласи жамиятни юксалтириш билан боғлиқ экани чуқур таҳлилларда очиб берилди.

“Маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”.

“Мурожаатнома”дан

Шу йиғилишда қатнашганим учун бир ҳолатни мамнуният билан айтиб ўтмоқчиман. Гап шундаки, йил номи эълон қилинаётганида кўпчилик бирдан қарсақ чалиб юборди. Шунда Президентимиз йиғилганларга қараб: “Мана, йиғилишимизда кўплаб маҳалла раислари иштирок этаётган экан”, дея таъкидлади. Маҳаллани ривожлантириш учун, аввало, инфратузилмани ривожлантириш кераклиги алоҳида таъкидланди. Яна ҳам муҳими, камбағаллиқни қисқартириш масаласи. Булар шунчаки гап эмас, юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг амадига ифодасидир.

МАҲАЛЛА – КАТТА ОИЛА

Олмазор тумани “Орзу” МФЙ раиси Элмира УМАРОВА билан суҳбат

– Маҳалла раҳбари сифатида ҳар бир хонадон ҳолидан хабардорсиз, албатта. Бугун ижтимоий ҳимоя борасида ислохотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Айни масала маҳаллада қандай садо бермоқда?

– Айтилик, ҳар бир хонадон остонасидан ҳатлашингиз билан оиланинг яшаш шароити ҳақида тасаввур ҳосил қиласиз. Гап-сўз ҳам шунга яраша. Баъзи оилалар ўзига тўқ бўлса ҳам, давлатдан нимадир ундириб қолмоқчи бўлади. Дейлик, бир бойваччанинг даромади, мол-мулки электрон манбаларга атай киритилмаган. Лекин маҳаллани алдаб бўлмайди-ку! Яна шундай оилалар борки, дардини айтишга, кўмак сўраб маҳалла идорасига чиқишларда тортинди, андиша қилади. Уларни албатта, хонадонбай ишлаб, аниқлаш зарур.

Биз кўмакка муҳтож оилаларни имкон қадар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Бу борада Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бўлимлари билан бирга, савоатли юрдошларимиз, муҳожижлар ёрдам қўлини чўзишга тайёр қорхоналар кўмагидан ҳам фойдаланамиз. Айни пайтда маҳалламизда тўққизта камбағал оила бўлса, туман ҳокимининг ёрдамчиси билан биргалиқда бу оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш учун қандай ёрдам бериш борасида режа тузиб олдик. Ана шу режа асосида иш бошлаганимиз.

Тўрт ярим мингдан ортиқ аҳолининг жавобгарлиги бор бугун зиммамда. Аниқса, хотин-қизларга эътибор масаласи жавобгарлигимиздаги асосий масала, деб ўйлайман. Илгари ҳам хотин-қизлар билан кўп ишлаганман. Уларнинг муаммолари қанчалар кўплиги ва бу муаммоларга тезроқ ечим топиш зарурати иш жараёнида асосий эътиборимда туради. Чунки аёл тинч-хотиржам, оиласи фаровон, келажагидан кўнгли тўқ бўлса, фарзандлар ҳам бахтиёр яшайди. Айни пайтда ёшлар масаласи ҳам бугун долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

– Маҳалла фаоллари ишларида очиклик, ошқоралик, жавобгарлик деган тушунчаларга амал қилиш қай

даражада таъминланган?

– Маҳалламизда ўн беш кишидан иборат Фаоллар кенгаши иш олиб боради. Кенгашда маҳалламизда ўтадиган тадбирлар, ташкилий ишлар муҳокама қилиниб, тегишли йўл-йўриқ, йўналиш берилгач, амалий ишга ўтилади.

“Бахтли оилалар ҳаммаси бирига ўхшаш бўлади. Бахтсиз оилалар эса ҳар бири ўзича бахтсиз”.

Лев ТОЛСТОЙ

Мазкур кенгаш йиғилишида ёпиқ ишлар ҳам кўриб чиқилади. Бунга оилавий можароларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу каби йиғилишларда шундай савол-жавоблар ўртага чиқадики, бунда оилавий сирларни кўпчилиكنинг оғзига тушишдан сақлаб қолиш зарурати туғилади. Яъни, қош қўяман деб кўз чиқармаслик, оила аъзоларининг кейинги ҳаётига манший гап-сўзлар таъсир қилмаслиги керак. Муаммолар бир-бирига ўхшамайди. Шунинг учун ёлғиз раиснинг ўзи уларга ечим бера олмайди. Кўпни кўрган нурунийлар, илмли мутахассислар бу ишга жалб қилинади. Бир оиланинг нотинчлиги етти қўшига таъсир қилади. Тасаввур қилинг, кўнгида ҳамма уйлар олди гулзор-у, биттасиники ҳазон, чиқинди уюми... Ана шу жой бутун ҳудуд ободлигига доғ туширади.

– Ростини айтганда, оиладаги муаммоларнинг аксари моддий масалалардан келиб чиқади: бирови тўқчиликдан, бирови йўқчиликдан...

– ...ва бекорчилик, қаноатсизликдан ҳам. Уйда ўтириб, ҳунар ўрганмаса, илм олмаса, ўз устида ишламаса, хаёлга нималар келмайди, дейсиз? Эркаларимиз рўзғор бутлиги учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Лекин хотин-қизлар ҳам оила фаровонлиги учун қараб турмаслиги керак.

Масалан, айни пайтда маҳалламизда хотин-қизлар учун иш ўринлари ташкил қилиш мақсадида тикувчилик, шунингдек, ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида қандолат қорхонаси очилга киришганмиз. Чунки ак-

сарият аёлларнинг турмуш ўртоқлари фарзандлари қаровсиз қилиб кетишини хоҳламайди. Шунинг назарида тутиб, маҳалланинг ўзида янги иш ўринлари яратилиши мақсад қилганимиз. Қўриб турганингиздек, мақсадимизни рўёбга чиқариш йўлидаги хайрли ишлар бошланган. Жамоатчилик билан биргалиқда ҳали кўп ишларни амалга оширишни ният қилганимиз. “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас”, дейдилар-ку. Бу борада маҳалла еттилигининг ҳамжиҳатлиги муҳим ўрин тутайди.

– Маҳалланинг кутубхоналари ҳақида гаплашсак...

– Бизда бир эмас, учта кутубхона бор. Бир маҳалла идорасида, иккитаси кўп қаватли уйларнинг орасида жойлашган. Ҳар бир кутубхонада ёшлар учун ҳам, катта ёшдаги маҳалладошлар учун ҳам керакли илмий ва бадий адабиётлар мавжуд. Муҳими, бу масканлар ҳаммаша гавжум.

“Маҳалла ёшларининг китобхонлиқа бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 миллион дона бадий адабиётлар билан таъминлаб борамиз”.

“Мурожаатнома”дан

Ёнимизда жойлашган Ренессанс университетида мактаб ўқувчилари ва талабалар учун 12 турдан ортиқ тўғарақ ишлаб турибди. Уларнинг ичидея энг каттаси робототехника тўғараги бўлиб, жуда кўпчилик ёшлар шу ерда шўғулланади. Шунингдек, яқинимизда жойлашган 243-мактаб билан мунтазам алоқадамыз. Ёшлар етакчилизи томонидан фақат қизларни эмас, ўғил болаларни ҳам оилага ҳар томонлама тайёрлаш борасида тадбирлар ишлаб чиқилган. Миллий гвардиянинг психологи ҳар ойда бир марта келиб, ўсмир йигитлар билан суҳбат ўтказайди. Мазкур мактаб битирувчиларидан 14 нафари ўтган йили олий ўқув юртиларга давлат гранти асосида ўқишга кирди. Бу, албатта, маҳалламиз учун фахр.

– Маҳаллага келишимиз билан бу ёрнинг файзли, дилтортар гўша эканига амин бўлдик. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, айнақса, қадриятларимизни тарбиялашдаги ишларингизга ривож берсин! Самимий суҳбат учун раҳмат!

Суҳбатдош:

Гулҳеҳра УМАРОВА



МАҚСАД ВА ИМКОНИЯТ

“Кейинги беш йилда хорижий туристлар сонини 2 карра – 11 миллион нафардан 20 миллион нафарга ошириш, туризм хизматлари ҳажмини эса 20 миллиард долларга етказиш бўйича улкан мақсадлар белгиланди”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон замини асрлар давомида ислом илм-фани ва маданиятининг бешиги бўлиб келган. Бизнинг бой тарихимиз ва ажодларимиз қолдирган мерос бугунги кунда мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий юксалишини таъминловчи энг катта стратегик ресурслардан бирidir.

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ислом цивилизацияси маркази Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасини белгилловчи глобал аҳамиятга молик муассасадир. Бу марказ маънавият ва илм пойдевори бўлиб хизмат қилади. Ундаги электрон архивлар ва рақамлаштирилган нодир қўлёзмалар хорижлик сайёҳларга Мовароуннахрнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасини жонли тарзда кўриш имконини беради. Эндиги асосий вазифа бу бойлиқни жаҳонга намойиш этиш орқали миллий манфаатларимизни таъминлашдир.

Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти айнан шу мақсадга – илм ва тажрибани замонавий туризм индустрияси билан уйғунлаштиришга хизмат қилади. Бу маскан нафақат зиёратчилар учун маънавий қувват манбаи, балки тадқиқотчилар учун ноёб илмий хазина ва туристлар учун бетакор маданий объект сифатида Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустаҳкамлайди.

Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасининг қайта тикланиши зиёрат туризмида сифат жиҳатидан янги даврни бошлаб берди. Мажмуа таркибидagi Инновацион музей тарихни замонавий технологиялар орқали намойиш этишнинг янги андозасига айланди.

Самарқанд унда кўним топган Имом Бухорий, Бурхониддин Марғинойни, Абу Мансур Мотуридий сингари буюк инсонлари билан ҳақли равишда фахрлана олади. Биргина “Чокардиза”нинг ўзи ўнлаб буюк алломалар учун макон бўлган. Яна бир муҳим жиҳат, бу шаҳардаги обидалар ва улуг шахслар эмас, балки унинг ислом ривожига беназир ҳисса қўшган ҳамда ўзга юртларда қўлиб кетган содиқ фарзандлари ҳам хорижий сайёҳларни жалб қилиб келади.

Масалан, Имом Мавлоно Малик Иброҳим Самарқандий XV асрда Индонезияда асос солган Вали санго (тўққиз авлиё) жамияти ҳалихану индонезия халқи томонидан эътироф этилади ва уларни Самарқандга оҳанрабодек тортиб туради. Бугун Индонезияда Имом Бухорий ҳар бир хонадонга, ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасига кириб борган, ёш авлодни тарбиялашда асли самарқандлик Валий санго ибрат намунаси ўлароқ кўрсатилади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, эндиги вазифа – ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос “ташриф қоғози”ни яратишдир. Имом Бухорий мажмуаси нафақат зиёрат маскани, балки буюк алломанинг “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай”

деган шиорини дунёга танитувчи йирик илмий-маърифий марказга айлантирилди. Бу ерда қўлланилган VR технологиялари ва интерактив дисплейлар сайёҳларга тарихни жонли тарзда ҳис қилиш имконини беради. Зиёрат туризмининг ривожланиши маънавий, иқтисодий жиҳатдан ҳам юқори самарадорлиқни таъминлайди.

Мурожаатномада Самарқанд шаҳрининг туристик жозибадорлигини ошириш учун шаҳардаги тарқоқ ҳолда жойлашган тарихий обидалар – Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Улугбек расадхонаси ва Афросиёб музейини яхлит бир маконга айлантириш гоёси илгари сурилди. Бунинг учун замонавий йўлақлар, ер усти кўприклар ва яшил зоналардан иборат “Маданий кўприклар” тизими барпо этилади. Хорижий тажрибага назар ташладиган бўлсак, бундай “интеграциялашган маданий ҳудуд” концепцияси Италиянинг Рим шаҳридаги “Fogi Imperiali” ёки Грециянинг Афина шаҳридаги археологик боғларни бириктириш лойиҳаларида муваффақиятли қўлланган. Натижада сайёҳларнинг пиёда юриш масофаси ва шаҳарда қолиш вақти 30-40 фоизга ортган.

Мурожаатномадаги энг ҳаяжонли янгилықлардан бири Хивадаги Ичанқалъа мажмуасини дунёда кам кузатиладиган “ақлли” ва иммерсив музей-шаҳарга айлантириш ташаббуси. Иммерсив туризм сайёҳнинг томошабин эмас, тарихий жараён иштирокчисига айланишидир. Хивада рақамли технологиялар, товуш ва нур эффектлари ёрдамида ўрта асрлар муҳити қайта тикланади. Бу борада Франциянинг “Puy du Fou” тарихий парки тажрибасини мисол келтириш мумкин. У ерда тарих жонли саҳна ва технология эффектлар орқали кўрсатилади, бу эса йилига миллионлаб сайёҳларни жалб қилади.

Хивада ҳам “жонли тарих” концепциясининг жорий этилиши, Ичанқалъани нафақат обидалар тўплами, балки вақт машинаси каби ишлайдиган ноёб маконга айлантиради. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос “ташриф қоғози”ни яратиш стратегияси доирасида Хива Ўзбекистоннинг “рақамли ўрта асрлар” маркази бўлиб қолади.

Юртимизнинг табиий иқлими факат баҳор ва кузда эмас, йилнинг барча фаслларида туризмдан даромад олиш имконини беради. Мурожаатномада Шахрисабздаги “Ғелон” туристик мажмуаси ва Наманган вилояти Поп туманидаги “Арашан” тоғ-дам олиш зонасини ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу масканларнинг ўзига хослиги бўлган тоғ тизмалари, шифобахш сувлар ва ноёб экотизимдир. Хорижий тажрибада Швейцариянинг Альп тоғларидаги кичик қишлоқлар (масалан, Зерматт ёки Гриндельвальд) бренди айнан маҳаллий аҳолининг меҳмондўстлиги ва тоғ инфратузилмасининг уйғунлиги асосида яратилган.

“Ғелон” қишлоғида ҳам маҳаллий аҳоли хонадонларини “меҳмон уйлари”га айлантириш ва тоғ чанғиси, альпинизм йўналишларини ривожлантириш орқали Швейцария моделини татбиқ этиш мумкин.

Инфратузилмавий янгиланишларнинг муваффақияти транспорт тизимининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Авиация ва темир йўл қатновини кескин кўпайтириш, Самарқанд, Хива ва Бухоро ўртасидаги транспорт алоқаларини яхшилаш орқали Ўзбекистон минтақавий туристик ҳабга айланоққа. Хорижий давлатлар, хусусан, Туркия ва БАА тажрибаси шуни кўрсатадики, туризмда муваффақиятга эришиш учун давлат коммуникация ва энергия тизимини яратади, хусусий сектор эса сервис инфратузилмасини барпо этади. Ўзбекистонда ҳам яқин истиқболга мўлжалланган стратегия айнан шундай давлат ва хусусий шериклик асосига қўрилган. Бундай тизимли ёндашув натижасида туризм хизматлари экспортини 20 миллиард долларга етказиш учун мустаҳкам пойдевор яратилади.

Президентимиз айнан мана шу стратегиянинг амалий ифодаси сифатида соҳага хусусий капитални жалб қилиш бўйича бир қатор “инқилобий қадамлар”ни эълон қилди. Бу ташаббуслар соҳани иқтисодиётнинг чинакам локомотивга айлантириш билан бирга, тадбиркорлик субъектлари учун мисли кўрилмаган имкониятлар эшигини очади. Туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш йўлидаги энг катта тўсиқлардан бири лойиҳалар учун ер ажратиш ва зарур инфратузилмани етказиб бериш масаласи эди. Бугунги стратегия ислохотлар доирасида ушбу муаммага тизимли ечим топилди: келгуси уч йилда туризм масканларини барпо этиш учун 5 минг гектар ер майдони очик аукцион савдоларига чиқарилади. Бу шунчаки рақам эмас, балки юзлаб янги меҳмонхона, замонавий дам олиш масканлари, кемпинг ва инновацион эко-курортлар учун очилган мисли кўрилмаган имкониятдир.

Белгиланган мақсадларга кўра, 2026 йилда тадбиркорлар томонидан жами 4 миллиард долларлик 3,5 мингдан зиёд сервис объекти ишга туширилиши режалаштирилган. Бу кўрсаткич туризм нафақат давлатнинг устувор йўналиши, балки хусусий сектор учун ҳам энг истиқболли ва даромадли соҳага айланганининг яққол исботидир.

Бирлик ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилаётган бундай кенг қўламли янгиланишлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириши ва миллий иқтисодиётимизнинг барқарор гуллаб-яшнашини таъминлаши шубҳасиз.

Олим АСТАНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон халқаро
исломшунослик академияси
профессори

ШУКРОНА

Ярим аср илгари бир “куф-суф” билан “очил дастурхон”да қиш ойларида янги узилган мева-сабзавотлар пайдо бўлишини эртақларда ўқирдик. Ҳатто чорак аср илгари ҳам қиш ойларида бозор пештахталарида мева-чевалар нархи осмонга сапчир – бир кило олманинг пулига шу миқдор гўшт харид қилиш мумкин эди. Эслиймиз, ўша йиллари қайсидир Шарқ мамлакатидан келтирилган, ҳар бирига алоҳида тамға тақилган олмалар кўзларимизни қувонтирган, беихтиёр чўнтагимизни ковлаб... сўнг бош чайқаганча бошқа пештахта ёнига кетишга мажбур бўлганмиз.



ФАСЛАРНИНГ ФАРҚИ ҚОЛМАДИ



1994 йил апрели адоғида Франция Президенти Франсуа Миттеран қадим Хивани зиёрат қилиш учун расмий ташриф билан келганида, вилоятдаги масъуллар меҳмон олдига воҳанинг ўзига хос мевалари, полиз маҳсулотларини топиш, топганда ҳам гўё янги узилгандек тасаввур уйғотиши бўйича берилган топшириқни қандай бажариш устида роса бош қотирганлари ҳам ҳақиқат...

Қиш ойлари кескин иқлим ўзгаришига эга Хоразмда йирик иссиқхоналар ташкил қилишга киришилганига ҳали ўн йил бўлгани йўқ. Давлат қўллаб-қувватлови, банклардан имтиёзли кредитлар ажратилгани, барча инфратузилмалар яратилгани ортидан ўтган даврда воҳада минг гектардан ортиқ йирик иссиқхоналар қурилди ва маҳсулотларини аҳоли дастурхонига етказиб бериш, ортиқчасини четга экспорт қилиш оддий воқеага айланди. Бундан ташқари, пахта яккахоқимлигига чек қўйилиши натижасида, воҳада боғдорчилик, полиз-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони деярли уч баравар ошди. Ҳали биз аҳоли томорқаларидаги кичик ҳажмли иссиқхоналар ҳақида айтмаямиз. Бугун вилоятда қишлоқ аҳолисининг қўлида ўн беш мингдан ортиқ кичик иссиқхоналар мавжуд, айрим иссиқхона эгалари йил давомида икки-уч сотих ҳажмдаги иссиқхонасидан мавсумда 60-80 миллион сўм атрофида даромад топтоқда.

Тармоқни ислоҳ қилишда мева-сабзавот етиштиришига эмас, уларни аҳоли дастурхонига йил давомида узлуқсиз ва сифатли етказиб бериш тизимини яратишга катта аҳамият қаратилди. Шу мақсадда барча туманларда катта-кичик сифимли совутгичли омборлар қисқа фурсатларда барпо этилгани сабабли, бугун қаҳратон қиш ойларида ҳам бозор пештахталари турли маҳсулотларга тўла. Шу билан бирга, маҳсулот қўлигидан унинг нархи қиш ойларида ҳам муътадил сақланмоқда. Пишиқчилик даврида янги узилган мевани қандай нархда харид қилган бўлсангиз, бугун ҳам шу нарх деярли ўзгаришсиз турибди.

“Озиқ-овқат хавфсизлиги” атамаси турмушимизга кириб келганига унчалик кўп вақт бўлмади, аммо қисқа фурсатда бу борада давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар тўлиқ амалиётга айланиб улгурди. Айни пайтда, соҳада ислохотлар поёнига етгани йўқ – эришилган марралар жойида тўхтаб қолмаган, янги ютуқлар сари илгарилаш давом этмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қўйилган рақамлар келтирилди: “Янги йилда қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун 52 триллион сўм ажратамиз. Озиқ-овқат маҳсулотларини халқимизга барқарор нархда етказиб бериш ҳам тўлиқ ислоҳ қилинади. Бозорларимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан йил – ўн икки ой барқарор нархда таъминлаш учун 2026 йилда доимий интервенция тизимиغا ўтаимиз. Ҳудудлардаги “Озиқ-овқат жамғармалари”га ажратиладиган ресурсни 2,5 баробар кўпайтириб, 500 миллиард сўмга етказамиз. Шунингдек, мева-сабзавотга ихтисослашган 1 мингта

маҳаллада сифими 100 тоннагача бўлган кичик совутгичли омборлар барпо этилади. Бу ишларимиз келгуси йил инфляция даражасини 6–6,5 фоизга туширишга хизмат қилади”.

Яқин-яқинларгача мева-сабзавотни қишга асраш қадимги усулларда амалга оширилларди. Хонадонлар сабзи, турпни ўрага қўмиб, меваларни ёғоч қўтиларда ҳар донасини алоҳида қоғозга ўраб, пиёз ёки картошкани бир хил ҳароратли хоналарда сақларди. Бу усулда сақланган мева ва сабзавотлар оиланинг ўзидан ортмас, ортиғи бозорга чиқарилганда, нархи осмонда бўларди. Бунинг устига воҳа шароитида ерости сувлари юқори жойлашганидан, сабзи ёки турп мартнинг бошидаёқ қазиб олинар ва у ёғига янги сабзи пишиб етилгунча, палов энг тансиқ таомга айланади. Баҳорда шамоллаш хасталиклари кўп тарқалган кезларда шифокорлар мева-сабзавотни кўпроқ истеъмол қилишни тавсия қилишар, беморнинг яқинлари топганини чўнтагига солиб, бозорма-бозор “яхшироқ сақланган, таъми оғизга ёқади” мева излаб сарсон юрарди.

Кичик ва катта ҳажмли совутгичли омборлар барпо қилиниши ортидан ушбу муаммага ечим топилди-қўйди. Бундай омборларда маҳсулотлар ёз ойларида сифатли, гўё бандидан кеча узилгандай сақланмоқда. Бу эса нафақат ихтисослашган фермер хўжаликлари, балки оддий фуқаролар ҳам ўз боғлари, томорқаларида етиштирган ҳосилнинг ортиқчасини ушбу омборларга қелишилган шартнома асосида топшириш амалиётини бошлаб берди. Айтайлик, томорқаси ёки қўшимча томорқасида бир неча тонна сабзи ёки пиёз етиштирган деҳқон уни омборхонага топширади ва истаган вақти олиб бозорга чиқаради, яхши даромад топади.

Бозор пештахталари дейямиз. Аслида, ҳозир йилнинг исталган фаслида маҳсулот харид қилиш учун вақт кетказиб бозорга бориш ҳам шарт бўлмай қолди. Сабаби, омборларда сақланаётган мева-сабзавотлар “етказиб бериш” хизмати орқали қишлоқлардаги дўконларга пешма-пеш элтиб берилаяпти. Яқингача қиш ёки баҳорда тансиқ мева излаб бозорга борган бўлсангиз, бугун ўша меваю сабзавот “ўз оёғи билан” уйингизга кириб келяпти.

Бизга қўшни Деҳқонobod қишлоғидаги бешта маҳалла ахли узум етиштиришга ихтисослашган. Ҳар йили мавсумда ўртача йигирма минг тоннадан зиёд узум ҳосили олинади. Унинг бир қисми экспорт қилинса, бир қисми омборларга топширилади.

Танишим аукцион орқали ўттиз сотих ер сотиб олиб, деҳқончиликка киришди. Биринчи ҳосил сифатида бугдой, бугдойдан бўшаган майдонларга кечки сабзи экди. Уч ойда топган даромади ҳақида у қувониб ҳикоя қилади: “Тупроғи унумдор, нави яхши экан, ўттиз сотих ердан ўн икки тонна сабзи олдим. Бунча ҳосилни эскичасига ўра қазиб сақлаб бўлмайдим, шунинг учун омборга топширдим. Ҳар қилосига минг сўмдан ижара ҳақи тўладим. Ахир, омборнинг харажатлари ҳам оз эмас – мунтазам электр энергияси истеъмоли бор, солиқ ва бошқа қўшимлар... Март-апрель ойларида ҳар бозор куни ярим тоннача сабзини бозорга чиқардим. Ҳар қилоси тўрт ярим-беш минг сўмдан кетди. Харажатларимни чиқариб ташлаганимда ҳам, шу иккинчи ҳосил 40 миллион сўмдан кўпроқ даромад келтирди. Бу ёқда харидорларнинг хурсанд бўлганини айтинг. Тўй-тантана қилаётган одамлар кеча қазиб олингандек сақланган сабзини жон деб харид қилади-да”.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қисқа фурсатларда амалга оширилган ислохотлар самараси шу бўлдики, бугун юртимизда фаслларнинг фарқи қолмади – йилнинг истаган даврида кўнглингиз тусаган мевани, хоҳлаган сабзавотни чўнтақбоп нархларда харид қилишингиз мумкин. Энди “олма пишганда галин” деган кўҳна лапарларимиз ҳам эскирди. Тусаган пайтингиз олма тайёр! Бу ислохотлар болалик тасаввурларимизда қолган “очил дастурхон”ни ҳақиқатга айлантириб, ҳаётимизни фаровон қилмоқда.

Президентимизнинг Мурожаатномасида ўтган йили қўлга киритилган ютуқлар ва келгусида режалаштирилаётган лойиҳалар тилга олинганида, иштирокчилар дил изҳорларини олқишлар билан ифодалашди. Айниқса, келгусида илк юрtdосларини кoинoтга чиқиши ҳақидаги хабар ҳаммани оёққа қалқитди – гулдўрос қарсақлар узоқ давом этди. Шу билан бирга, баъзи рақам ва фактлар тилга олинганида, тингловчилар нигоҳларида ҳайрат сезилмади – юқорида келтирилган иқтисод ҳам шу жумладан. Сабаби, бугун бу каби факт ва рақамлар одамларни ҳайратга солмай қўйган, булар оддий ҳолатга айланиб улгурди. Ислохотлар мўъжизаси дегани ана шу.

Минг шукур!

Рўзимбой ҲАСАН



НАВОИЙдан УЛГИ ОЛИБ...

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу мажлисда Алишер Навоийнинг юбилейни нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Энди ўйлаб кўринг, қурултой Озарбайжонда ўтмоқда, лекин нега Низомий, Ҳузулий ёки бошқа бир шоир эмас, айнан Навоий юбилейи ўтказилди? Чунки Туркий дунё Навоийни туркий адабиётнинг бонгчиси ўлароқ танийди. Шундан сўнг, Бокуда Навоийнинг “Муншаот” ҳамда “Вақфия” асарлари чоп этилди. Бундан ташқари, ҳазратнинг ўлмас меросига оид мақолалардан иборат рисола ҳам нашр қилинди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: “Нега “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр” ёки “Хамса” эмас, айнан “Муншаот”, “Вақфия” танлаб олинди? Чунки янги тузилажак туркий давлатлар учун асосий ҳуқуқий қомус зарур эди. Бунинг учун “Вақфия”дан яхшироқ вариант йўқ деб ҳисобладилар. “Муншаот” эса давлат ҳужжатларини юритиш учун қулай қўлланма бўла олади. Ахир Навоийни барча туркий халқлар бирдек тушунади.

Аслида, аввалроқ, яъни 1902 йилда “Муҳокамат ул-луғатайн”, 1907 йилда “Арбайин” асарлари Исмоилбек Ғаспралнинг кириш сўзи билан Озарбайжонда чоп этилган эди. Шу даврда “Маориф ва маданият” журналлари ҳам чиқарди. Шу каби нашрларда ўн йил давомида Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида мақолалар бериб борилган.

1926 йилги қурултой самараси бўлган “Алишер Навоий ҳақида мақолалар” мажмуасида Исмоил Ҳикматнинг “Навоий ва турк адабиёти”, Бакир Чўбонзоданинг “Навоийнинг тили ва тилчилиги ҳақида”, Мирзо Мухсин Иброҳимийнинг “Форс адабиётининг Алишер Навоийга таъсири” ва бошқа мақолалар ўрин олган.

1902–2019 йиллар давомида Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон”, “Ҳолоти Паҳлавон Му-



ҳаммад” сингари асарлари, “Хамса” таркибига кирган “Фарҳод ва Ширин”, “Сабаъи сайёр” каби достонлари ҳамда муаззам шеърятидан айрим намуналар “Танланган шеърлар”, “Танланган асарлар” номлари остида озарбайжон тилида чоп этилиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Бугун Ўзбекистонда ўтказиладиган адабий тадбирларда Навоий мавзуси Озарбайжон учун янгилик эмаслиги, халқимиз бу улуг мутафаккирни узоқ йиллардан бери севиб мутолаа қилишини қайта-қайта айтман. Энг қизиғи, озарбайжон ва ўзбек халқ-

ларининг ардоқли фарзанди, атоқли адиб Мақсуд Шайхзодани айнан Алишер Навоий орқали таниганман. Унинг илк шеърлари ҳам Навоий ҳақида бўлган. Аслида, сургун этилган деймиз-у, лекин уни Ўзбекистонга Навоий нафаси келтирган. У узоқ йиллик изланишларнинг самараси сифатида 1948 йилда “Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида” номли номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Бундан ташқари, йиллар давомида “Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида”, “Устоднинг санъатхонасида”, “Ғазал мулкнинг султони” каби ҳар томонлама теран тадқиқотларини эълон қилди.

Демоқчимаки, Навоий, Низомий, Ҳузулий каби улуг сиймолар ёлғиз бир миллатнинг адиблари эмас, улар бутун туркий дунёнинг мутафаккирлари ҳисобланади.

Мен ўтган йили Алишер Навоий юбилейи муносабати ила йигирманчи дафъа Ўзбекистонга келдим. Бу менинг бахтим. “Ўзбек–Озарбайжон адабий алоқалари” мавзусидаги докторлик ишимни ҳимоя қилганимда кўрдимки, чексиз бир қаҳқашонда бир ёруғ қуёш бор. У – Навоий! Қолган барча юлдузлар унинг атрофида. Табиийки, мен у қуёшни қўйиб, юлдузлар этагидан тутта билмасдим.

Тақдиримдан мамнунманки, икки марта Ҳиротга бориб, ҳазратни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдим. Кечагидек ҳамон эсимда, 2016 йили Навоий шаҳрида адабий анжуман бўлди. Шунда ким ҳазратимизни зиёрат этган деган савол янгради. “Шу даврада биттагина” бўлганимдан ғурурландим.

Авалло, Ҳиротга кетишимга кўп қаршиликлар бўлди. Уйдагилар, яқин қариндошларим ва ҳуқуқий томондан ҳам. Ҳатто, ўша пайтлардаги Афғонистон элчиси билан юзма-юз келиб, илтимос қилганимда ҳам рухсат бўлмаган. Лекин, тақдирни кўрингки, тасодифан бир таклифнома келди ва

ўз-ўзидан йўлларим очилиб кетди. Бордим, ҳазрат ётган тупроқларни ўпдим. Қайтиб, улуг навоийшунос олима – Суйима Ғаниева билан кўришдим. Устозим бошимни силаганча: “Бу менинг узоқ йиллик орзуйим эди. Сен эришдинг – хурсандман, қизим” деганлари ҳеч кўз олдимдан кетмади. Кейин у менга бир рўмолчини бағишлади. Тагин дедики: “Қизим, агар яна йўлинг тушса, шу рўмол билан ҳазрат Навоий қабртошининг губорини артиб қўйгин, хўпми?”

2021 йилда Худо менга бу бахтни иккинчи дафъа насиб этди. Бу сафар мутлақо тасодифан бориб қолдим. Энг қизиғи, Суйима опанинг рўмолини уйда унутиб қолдирдим деб хавотирга тушдим ва шундай сумкамга қўл солсам...

У пайтда Ўзбекистон Қаҳрамони, навоийшунос олима Суйима Ғаниева 86 ёшида оламдан ўтганига аллақачон уч йил бўлиб қолганди. Кейин мен ўша рўмол билан ҳазратнинг қабртошини оҳиста силаб, “Суйима опам Сизга салом йўлладилар, ҳазратим” дея оҳиста шивирладим...

Мен Навоийдан ҳаётимнинг ҳар жабҳасида улғи олишга интиламан. Ҳар гал қийинчиликларга дуч келганимда “Бу вазиятда Навоий ҳазратлари қандай йўл тутган бўлардилар?” деб ўз-ўзимга савол бераман ва шу орқали ҳар қандай машаққатни енгиб ўтишга ўзимда чексиз кучни ҳис этаман.

Биласизми, Озарбайжонда “Ҳар дафъа Қуръонни очганингда, янги ҳикмат олсан”, деган гап бор. Мен учун Алишер Навоий асарлари ҳам шундай аҳамият касб этади. Ҳар сафар унинг илмий-ижодий меросига мурожаат қилганда янги бир мактаб эшигини очган бўламан.

Тўғриси, туркийзабон мамлакатлар ичида ҳазрат Алишер Навоийнинг ижодини ўрганиш, таржима ва тадқиқ этиш борасида Исо Ҳабиббейли, Рамиз Аскар, Яшар Қосим, Бедирхон Аҳмедли, Ғолиб Сайилов,

Акиф Азалп каби озарбайжон олимларининг илғор сафида турганимдан беҳад қувончдаман ва бундан фахрланаман.

Юқорида айтганимдек, сизда жадидлар, бизда маорифчилар дея аталган, аммо мазмунан битта бўлган ҳаракат аъзоларининг юксак ғоялари доимо мумтоз адабиётдан озикланган. Йиллар давомида мустабид тузум малайлари бизнинг бир-бирига туташ илдишимизни қирқмоқ пайида бўлдилар. Тошкентдаги “Шаҳидлар хиебони”да бўлганидек, Бокудан унча узоқ бўлмаган бир жой бор: ўша замонда миллат маорифи йўлида жон қуйдирган инсонларимизнинг оёқлари-га тош боғлаб, денгизга чўктиришган...

Ҳатто бир-биримизни яхши англамай қолишимиз учун тарихан бир бўлган алифбозимизни ўзгартиришган. Икки тилда ҳам бор бўлган айни товуш айрича ифодаланган. Масалан, Тошкентда мени ҳалигача Ўлмасхоним деб қақирадиганлар бор. Қизиқ бир воқеа бўлган: 1975 йилларда Озарбайжон халқ шоири, атоқли миллатпарвар Ҳалил Ризо Улутурк Тошкентга келади. Бу ердаги қардош адиблар билан марказий кўчани кезаётганда бир ҳашаматли бино устидаги “ғаройиб” шиорга кўзи тушиб, бошини чангаллаганча хайкириб юборади: “Ўзбек халқи нақадар дохий, нақадар жасоратли! Барчаси очик-ойдин ёзилган!”

Ҳамма у кўрсатган томонга қарайди. Озарбайжонлик шоир ўз шевасида ўқийди: “Коммунизм бўш мақсадимиздир!”

Маълум бўлишича, шоир “о” ҳарфини “ў” тарзида ўқиган...

Умидим шулки, ўсиб келаётган авлод йиллар давомида олдимизга қўйилган тўсиқларни буткул олиб ташлаб, улуг боболар орзу қилган “Тилда, фикрда, ишда бирлик”ка эришажак!

Боку – Тошкент – Боку

“ҲАР КҮНГИЛГА АТИРГУЛ АТРИДАН БЕР...”

Бошланиши 1-саҳифада.

ҚИШКИ БОҒЛАР...

Қишки боғлар, маъюс йўлкалар... Кимдир шошар сайрлашгани. Васлдан шод бўлса ўзгалар, Биз учрашдик хайрлашгани...

Қор – қувончга қодир бўлса ҳам, Висолга зўр қодир бўлса ҳам, Унда ҳар не содир бўлса ҳам, Биз учрашдик хайрлашгани.

Хиебонда санғиб гадолар, Пул сўрайди деб бир балолар, Кор қилмасов энди дуолар... Биз учрашдик хайрлашгани.

Юрак шаклин ясаб бармоқда, Не ошиқлар шодон бормоқда, Гап талашиб обдон тармоқда, Сўнг учрашдик хайрлашгани.

Шундай дардда, азиятдамиз Ва ноқулай вазиятдамиз, Севги арзон жамиятдамиз Биз учрашдик хайрлашгани.

Автобуслар юз келиб-кетди, Ойналари – муз, келиб кетди, Иккимизга кўз тегиб кетди, Биз учрашдик хайрлашгани.

БИР СЕВДИМКИ...

Тақдир менга тутган ноннинг Кепаги кўп, сарёғи йўқ, Хоҳ ишонманг, хоҳ ишонинг, Бир севдимки, нарёғи йўқ.

Думин ушлатмайди висол, Тутсам – бахтнинг бармоғи йўқ. Увол бўлдим, фақат увол, Зор бўлдимки, нарёғи йўқ.

Севгига арз битай десам, Ижтимоий тармоғи йўқ. Май ўрнига ичиб қасам, Маст бўлдимки, нарёғи йўқ.

Бу дунёнинг иши чигал, Сочи патак, тароғи йўқ.

Уйқум ўчар етти маҳал, Тун узунки, нарёғи йўқ.

Керакли юк бўлмас оғир, Висол йўлин узонги йўқ. Ҳар бардошда бордир охир, Бир тоқатки, нарёғи йўқ.

Ваъдаларинг йўқми ёдда, Ўзи қизларнинг соғи йўқ. Сенга ишонган бир содда Ғайратманки, нарёғи йўқ.

ОНАНГА БЕР

Зарра қадар ҳиммат бўлса, Онангга бер, онангга бер. Майли, қанча қиммат бўлса, Онангга бер, онангга бер.

Биров билса-билмаса ҳам, Қувонмаса, қулмаса ҳам, Беришни бил, олмаса ҳам, Онангга бер, онангга бер.

Улғуриб қол, югургин, чоп. Либос кийдир, рўмоллар ёп, Пул топганда ақл ҳам топ, Онангга бер, онангга бер.

Хаста бўлса – қон юргузиб, Ишқомлардан узум узиб, Атиргулдан шарбат сузиб, Онангга бер, онангга бер.

Бунча ғалат иш бўлмаса – Гўшт бўлганда тиш бўлмаса... Шавла бўлар ош бўлмаса, Онангга бер, онангга бер.

Сафар қилдир – қаер билсанг, Саргардон ҳам сайр, билсанг, Бу ишда кўп хайр билсанг, Онангга бер, онангга бер.

Бахтиёр қил, безор қилма, Дил ойнасин гўбор қилма, Хатойимни такрор қилма, Онангга бер, онангга бер.

ИЛТИМОС

Яратганга бир гап айтгим келади: Ҳар кўнгилга атиргул атридан бер.

Номард дўстга сал-пал чидаб бўлади, Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Балқиб турган офтобларинг ботса гар, Гулзорингни айлағайлар отчопар. Ёлвориблар сўрағайман ҳар сафар, Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Сенга бари осон, сенга мумкиндр, Бадбахтга бахт бериб – ўзидан тиндир, Синдирсанг ҳам зўрнинг қўлида синдир, Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Сўрса – мансаб бергин, пулдан омборлар, Қўкси медал кўрсин, гулдан чамбарлар, Дуо қилсин ортидан “пайғамбар”лар, Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

Кимга ётман, кимларгадир жўраман, Ўз кўнглимда мен ҳам бекман, тураман. Қолганини пешонамдан кўраман, Душман берсанг, илтимос, мардидан бер!

ПАРКЕНТГА ПОЕЗД КЕЛАР

Гап келганда бир гапни Айтмоқлик жоиз келар, Орзуларнинг рўёби Энди юз фоиз келар, Бу азму шижоатлар Юртбошим боис келар, Суюнчи беринглар-ей, Паркентга поезд келар!

Бир пайтлари бу гаплар Шунчаки миш-миш эди, Даромаднинг манбаи Асосан “кишмиш” эди, Шаҳарча орзулару Қишлоқча турмуш эди, Суюнчи беринглар-ей, Паркентга поезд келар!

Машойихлар кўз – қўрқоқ, Қўл эса ботир дерлар, Худойим қўлласса – эл Ҳар ишга қодир дерлар, Бизда ер, сув, табиат – Барчаси нодир дерлар, Суюнчи беринглар-ей, Паркентга поезд келар!

Янги Ўзбекистоннинг Паркенти ҳам янгидир,

Хоҳ Қумушқон, Ҳисорак, Хоҳи Заркент, Чангидир, Бариди фаровонлик Ва ободлик рангидир, Суюнчи беринглар-ей, Паркентга поезд келар!

ТЎП БИЛАН АБДУҚОДИР
Англиянинг “Манчестер Сити” футбол клуби ҳимоячиси Абдуқодир Ҳусановга

Оламда нима гаплар, Бўлмоқда нелар содир, Ким юртидан жудо, ким Тинчликдан мосуводир. Фалак ҳам бўлди гўё Таҳлика узра қодир, Шўқрим, биз томонда Эртадан йўқ ҳавотир, Рақиблар тўп йўқоти, Тўп билан Абдуқодир!

Гоҳида ғолиб келдик, Арабу аҷам билан, Баъзида нолиб келдик, Ғазабу алам билан, Минг йиллар олиб келдик, Дунёни қалам билан, Даҳолар авлодлари Майдонда ҳам даҳодир, Энди сен оламни ол Тўп билан, Абдуқодир!

Футболда омад деган Бизларга кўп келмади, Бошга не кунлар келди, Оёққа тўп келмади, Термамиз Мундиалда, Музқаймоқ еб келмади, Зарбангда ўшал аччиқ, Армонлар захри жодир, Йўл очгил Жаҳон сари Тўп билан, Абдуқодир!

Кун келар, мухлисларинг Булоқдек қайнағайлар, “Мазги”ни ўйнаганлар, Лазгига ўйнағайлар... Ўзбекни “чайнаганлар” Қалампир чайнағайлар! Август-сентябрча Энди бамайлихотир, Қуйдиргин душманларни Тўп билан, Абдуқодир!



Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Майдонда ҳимоячи, Юртингга эса қалқон, Сендайлар ёв босганда, Тоғларни қилар тапқон, Демишлар шахзодалар, Ўзбекни учқур ўғлон, Элу юрт, шону шавкат Ҳам гурур бебаҳодир, Уларни ҳеч алишма Тўп билан, Абдуқодир!

Шаънимиз олам аро Топмоқда кўрк янғидан, Ўғлонлар сабаб қаддин Тутмоқда юрт янғидан, Футболда ҳам ўтамиз, Олмону фарангидан, Ўсмоқда бу диёрда Ҳали минг-минг баҳодир, Сен ғайрат бер ёшларга Тўп билан, Абдуқодир!

ФИКР АЛМАШИШ

Ўйлаб кўрсак бундоқ фикр юритиб, Фикр алишмоқ ҳам ғаройиб ишдир: Шахсий фикринг билан бошлиққа кириб, Унинг фикри билан қайтиб чиқишдир.

МУКОФОТ

Мукофот олмасанг ё мактов-нишон, Жудаям муҳим деб санасанг шуни. Ранжима, сени ҳам мактарлар, ишон, Зўр одам эди деб... жаназанг кун.

ТИРИКЧИЛИК

Фотограф табассум қилиб турунг, дер, Банк биздан кредит олиб турунг, дер. Бош оғриққа дори олиб, пул берсам, Аптекачи тез-тез келиб турунг, дер...



ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

ЎзФА О.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти директори, академик Аббосхон ТўРАЕВ билан суҳбат

Бошланиш 1-саҳифада.

Институт кўп йиллардан буён янги оригинал дори воситаларини излаш, уларни ишлаб чиқариш ва амалиётда қўллашга етказиб бориш вазифалари билан шуғулланади. Мақсадимиз ҳалқимизни табиий бирикмалар асосида яратилган самарали дори воситалари билан таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда институт томонидан ўндан ортқ дори воситалари яратилди, улар амалиётда қўлланмоқда. Жумладан, “Рутан” таблеткаси грипп ва COVID-19 вирусларига қарши самарали таъсирга эга. Шунингдек, “Рутан” асосида янги биологик фаол қўшимчалар – “Рутавир”, “Геравир” препаратлари, қон тўхтатиш хусусиятига эга “Глилагин” таблеткаси, табиий бирикмалар асосида жароҳлиқ амалиётларида қўллаш учун “Гемостатик губка” воситаси яратилди ва амалиётда қўлланмоқда.

Институтимиз ёш олимлари томонидан Хитой Фанлар академиясининг олимлари билан биргаликда саратонга қарши самарадор ҳам токсиклик намоеън этувчи, саратон ҳужайрасида тўпланиш, соғлом ҳужайраларга нўжўя таъсир кўрсатмайдиган хусусиятига эга “Галакторубидин” дори воситаси яратилди ва унинг клиниколди синовлари тугалланмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам маълум ютуқларга эришилди. Жумладан, ҳосилдорлиқни оширишга мўлжалланган стимуляторлар ишлаб чиқилди. Қолаверса, ДАГ препарати яратилди. Ушбу препарат билан чигитга ва гўзага ривожланиш даврида ишлов бериш орқали ҳосилдорлик 10-15 фоиз кўтарилди. Ушбу препарат қатор қишлоқ ҳўжалиги кластерлари синовидан муваффақиятли ўтди.

Янги авлод мутахассислари – бизнинг фаҳримиз. Ёшларимиз Хитой, Россия, Туркия, Европа мамлакатларидаги йирик илмий марказларда амалиёт ўтамоқда. Бу, ўз ўрнида, ёшларни янги замонавий изланишларга ундаб, илмий йўналишини дунё стандартлари даражасига олиб чиқмоқда.

– Салмоқли ютуқларда ёшларнинг ҳам ҳиссаси борлиги қувонарли. Хусусан, институт қошида Ёш олимлар кенгаши ҳам фаолият юритиши ҳақида ўқиди. Унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

– Саволларингиз муассасамизнинг бошқалар эътибор қаратмайдиган жиҳатларини ҳам очиб беришга хизмат қилаяпти.

Ёш олимлар кенгаши институтга асос солинганидан буён фаолият юритади. Кенгаш таркибига қирқ ёшгача бўлган кўнгилли ходимлар киради. Кенгаш ёш олимларнинг манфаатлари ҳамда фикрларини институт раҳбариятига, илмий кенгашига ва бошқа ички, ташқи ташкилотларга тақдим қилади. Кенгаш йиғинларида иштирок этар эканман, шогирдларимизга тез-тез шундай мулоҳазаримни айтиб тураман:

“Илм тез натижа бермайди. Баъзан йиллар давомида қилинган меҳнат бир неча сатрлик хулосада акс этади. Шу жараёнда сабрни ва интизомли бўлиш жуда муҳим. Хатодан кўркман! Илмий кашфиётларнинг катта қисми хатолар орқали келади. Хато – мағлубият эмас, балки тажриба. Вақтдан унумли фойдаланинг. Ватан ва жамият олдидаги масъулиятни унутманг! Илм-фаннинг энг олий мақсади – инсон ва жамиятга хизмат қилиш. Олинган билим Ватан равнақиға ҳисса қўлиши керак. Ҳалолликни илмий принципга айлантирми! Плагиат, сохта натижалар, енгил йўллар илмни эмас, шахсни йўқ қилади. Илмий ҳалоллик – олимнинг энг катта бойлиғи!”

Бу фикрларимга ҳозир яна бир хулоса қўшилган: “Сунъий интеллектдан тўғри фойдаланинг. Илм улкан ва сирли ўрмон. Унда ҳар қим ўз сўқмоғини, жилғасини топиши, шу орқали муродга етиши керак. Балки замонавий қулайлик сизни “ўрмон”нинг шинам нўқтасига олиб кириб қўяр, лекин унда яшаб қолиш ва курашиш яна ўзингизга қолади”.

– Бу сўзлар кўп йиллик ҳаётий ва илмий тажрибалар ҳосиласи экани кўриниб турибди. Йигирма йилдан буён институт раҳбарисиз. Кеча ва бугунги кўнблаганда кўз ўнгингиздан нималар ўтади?

– Фанлар академиясининг илм-фанни ривожлантиришга, уни мамлакат иқтисодиёти билан интеграция қилишга, шунингдек, чуқур фундаментал изланишлар, амалий, инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишга масъул тузилма экани кўпчиликлка маълум. Афсуски, шундай йиллар бўлдики, мана шу кундай равшан ҳақиқатдан кўз юмилди, Академия ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ўша даврларда илмий ходимлар собиқ иттифок давридан қолган илмий жиҳозларда изланишларини давом эттиришга мажбур бўлди ва шу сабабли жаҳон миқёсидаги илмий рақобатга дош бера олмади...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил сўнгида олим ва зиёлилар билан учрашуви мамлака-

тимиз илм-фани учун уйғониш бонги бўлди. Қисқа муддатда оламшумул ўзгаришлар бошланди. Бир пайтлар Фанлар академияси таркибидан юлиб олиниб, олий таълим тизимига ўтказиб юборилган институтлар адолатли равишда қайта тикланди. Изланишлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди. Илмий ходимлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Халқаро ҳамкорлик эшиклари очилди.

Бу ислохотлар ёшлар ўртасида илмга бўлган қизиқшни янада оширди. Бугунги кунда Фанлар академияси таркибидagi институтлар томонидан олиб борилаётган фундаментал, амалий изланишлар хорижда олиб борилаётган тадқиқотлар билан бемалол рақобатлаша олади. Шу сабабли, ривожланган мамлакатларнинг илмий марказлари Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорликда ишлашдан манфаатдор бўлмоқда. Ушбу натижаларнинг асосий сабабларидан бири халқаро ва ички илмий лойиҳаларни давлатимиз томонидан молиялаштириш йўлга қўйилганида деб биламан.

Институтларда янги илмий йўналишлар очилгани ёшларнинг илмга жадал қилиб келишига туртки бўлди. Бугун Фанлар академияси институтлари таркибининг қарийб 40 фоизини ёш олимлар ташкил этади.

– Ислохотларнинг изчиллиги ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шу хайрли ишларни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги муҳим қадам. Шундай эмасми?

– Ушбу тарихий қарор илм-фан олдида турган муаммоларни ҳал этишнинг муҳим ҳуқуқий ечими бўлди, деб биламиз. Унда Фанлар академиясининг ўн та устувор илмий йўналиши аниқ белгиланган бўлди. Шу билан бирга, 2030 йилга қадар илмий ходимлар таркибида ёшлар улушини 60 фоизга етказиш, янги илмий ишланмалар сони ва тижоратлаштиришдан олинadиган маблағлар ҳажмини 3 баравар, нуфузли журналларда мақолаларни 4 баравар, халқаро ҳамкорликдаги илмий-тадқиқотлар сонини 3 бараварга ошириш кўзда тутилган. Бу вазифаларнинг ўз ўрнида бажарилишини таъминловчи шароитлар давлатимиз томонидан яратиб берилиши қарорда ўз аксини топган.

Шунингдек, институтлар учун энг катта муаммолардан бири якунланган ишланмаларни тижоратлаштириш бўлиб, қарорда бу масаланинг ечимига катта эътибор қаратилган. Эндликда олим иқтисодиёт учун керакли муаммонинг ечими устида фаолият юритади. Тижоратлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида “Фан ва саноат интеграцияси кенгаши” тузиш назарда тутилган. Ушбу кенгаш Президент Администрацияси томонидан тасдиқланади ва амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар, иқтисодиёт тармоқларида ечим талаб этадиган муаммолар рўйхатини, давлат томонидан кафолатланадиган буюртмаларни белгилайди ва илмий муассасалар томонидан бажарилган ишланмаларнинг амалиётга кириб бориши тўла таъминланади.

Фанлар академияси тизимидаги муҳим муаммолардан яна бири – янги илмий-тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, керакли йўналишларни узлуқсиз молиялаштириш, мақолаларни нуфузли журналларда чоп этириш, айрим бутловчи қисмларни харид қилиш каби вазифалар ечими учун манба йўқ эди. Қарорда кўзда тутилган муҳим вазифалардан бири мана шу муаммолар ечимига қаратилган бўлиб, “Фанлар академияси жамғармаси”ни ташкил этиш ва йилига бу мақсадлар учун 80 миллиард сўм ажратиш назарда тутилган. Бундай ечим биринчи маротаба амалга оширилмоқда ва барчамизни жуда қувонтирди.

Хулоса ўрнида бир фикрни таъкидлаб ўтмасам бўлмайди. Мамлакатимизда рўй бераётган тарихий ислохотлар ва унинг самараси, барча ютуқларимиз муқтарам Президентимиз айтганларидек, энг катта бойлик – тинчлик сабабидир. Биз ана шу бойлиқни авайлаб, қадрига етиб, ҳамма жабҳада ҳалол хизмат қилсак ва шу орқали фарзандлик бурчимизни ўтасак, ўйлайманки, ҳамма соҳада, жумладан, илму маърифатда ҳам юксак марраларни забт этамиз!

– Халқимизда “Олим бўлсанг, олам сеники” деган нақл бор. Умид қиламизки, минг йиллар байроқдор бўлган олимларимиз олтин силсиласи давом этади, эргашиб келаётган ёш изланувчилар Сизнинг қутлуг аънанангизни ривожлантиради. Домла, самийий суҳбатингиз учун раҳмат! Сизга эзгу ва шарафли вазифангизда каттадан катта ютуқлар тилаб қоламиз!

Зарнигор ИБРОҲИМОВА суҳбатлашди.

ЭҲТИРОМ

ТОШКЕНТДАГИ САФЕДБУЛОН

Аҳмаджон Мелибоев ҳақида гап кетганда, аввало, бир нарсани таъкидлашим зарур. Уч-тўрт кишилик муъжазгина қур бўладими ё уч юз-тўрт юз кишилик катта давра бўладими, барибир, ўша жойда Аҳмаджон аканинг ўрни, лафзи, фикри алоҳида ажралиб туради, сўзлаганда атрофидагиларнинг диққат-эътиборини баъзан бир воқеа ё ҳангома, баъзан эса, ҳатто, бир жумла билан тортиб кетади.

Гапни ўрнига қўйиш катта фаросат эгаларига хос хусусиятидир. Бунга сабаб кўриб-кечириш, дунёга ўз назари билан қараш, мудом мулоҳаза билан юришдир. Баъзан ўта расмий, совуққина ўтаётган ланжроқ йиғилишларда Аҳмаджон ака сўзга чиқиши билан об-ҳаво бирдан ўзгаради, давра жонланади, бир неча дақиқанинг ичида қизгин тус олади. Шундай пайтларда Аҳмаджон ака одамларнинг кўнглидаги гапни қандай топа олади, бунинг устига шу гапни ифодалашни қандай қилиб маромига етказа олади, деб ўйлаб қолардим.

Яқинда “Маънавий ҳаёт” журналада у кишининг “Сафедбулонликлар” эссе-сини нашрга тайёрлаётганимизда, бу саволга қисман жавоб топгандай бўлдим. Мутолаа вақтида Аҳмаджон Мелибоев Ўш вилоятидаги ўзи туғилиб ўсган Сафедбулон қишлоғини ҳамон ўзи билан олиб юрганига, таъбир жоиз бўлса, Тошкентдаги Сафедбулонга айланганига амин бўлдим. Аҳмаджон ака Сафедбулонга, Сафедбулон Аҳмаджон акага жуда ўхшар экан. Шунча йиллар давомида, яхши-ёмон ҳодисалар ичида, паст-баланд кечинмалар-у, ҳаётнинг оғир-енгил синовларида, долғали гавжум шаҳар ҳаётида ўзинг туғилиб ўсган олис қишлоқ табиятини, маънавий руҳини кўнглинда бутун сақлаб юриш осон эмас. Бунинг учун одамга унинг-ўсган ерларига меҳр-муҳаббат, илдиэларига чамбарчас боғлиқлик керак бўлади. Гоҳо, шаҳарга ўзоқдан келган айрим йигитларнинг икки йил ичида ўзидан бошқа бир одамни ясаб олганига гувоҳ бўламиз. Тупла-тузук, соддагина, беғуборгина инимиз бир думалаб айёргина, худбингина, сохта бир нусхага айланади-қолади. Сиз таниган, яхши кўрган дўлвор йигитдан асар ҳам қолмайди.

Эсседда Аҳмаджон ака шундай ёзди: “Сафедбулонда теша тегмаган қизик-қизик айтимлар, мақол-маталларга дуч келасиз. Ёнида қороз-қалами бор меҳмонлар бу ердан анча бой бўлиб кетишди. Мана эшитинг: “Урғочи эшакнинг тепкиси ёмон”, “Калга малҳам берсанг, бошга суради”, “Қирқача тўлмаган чўнтакка сомон ҳам ҳайф”, “Лўқманинг қаттаси, гапнинг кичиги яхши”, “Қирда отинг, қариганда хотининг ўлмасин”, “Мардга майдон, ўйинчига айвон яхши”, “Қуруқ арава шаллақи хотинга ўхшайди”, “Эшак сийлагани билмас, аҳмоқ – сийлагани”, “Тошбақа элман дейди, чивин бийман дейди”, “Оёғинг оқсоқ бўлса ҳам, сўзинг чўлтоқ бўлмасин”, “Бургут қариса қуни сиқонга қолади”, “Бир бияли жонини сақлар, икки бияли элини боқар”, “Яхши овқатнинг ҳиди ошқозондан олдин оёқни қитқилайди”, “От қочса, эшак орқасидан юғуради”.

Булар олтин гаплар. Юз йил ўйласанг ҳам топилмайдиган гаплар. Ҳар жумлада катта тажриба, чуқур билим, теран мулоҳаза, кўпқиррали киноа, тил жозибаси, баҳдий ифроди маҳоратини кўрасиз. Шуларни ўқий туриб, “Мана, Аҳмаджон аканинг топқирлиги, ҳозир-жавоблигининг илдизи қаерда экан”, деб ўйландим. Шу ўринда яна бир гап, дунё дунё бўлганидан бери кашф қилполмаган баъзи гаройиб ўлчов бирликлари сафедбулонликлар алпақачонлар кашф этиб қўйишган экан. Диққат қилинг: “Бир жағлик гап”, “Бир кўтарим похол”, “Бир сўқилик айб”, “Бир от юки кўч-кўрон”, “Бир айғирлик бия”, “Бир жилимлик беда”, “Бир чой қайнашлик вақт”, “Билақдай сув”, “Бир тепкилик (муштлиқ, черткилик) одам”, “Бир йўталлик иш”.

Дарҳақиқат, одамнинг қандай муҳида ўсиб-ўлғайгани, она тили, эл-юртининг анъаналари ва тафаккури билан илк учрашувлари унинг бутун ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Сафедбулон ҳақида ўқиганимда, Аҳмаджон Мели-

боевнинг ҳаётий ва ижодий томирларини кўргандай бўлдим.

Аҳмаджон аканинг ижодий фаолиятининг 45 йиллигига бағишлаб 2008 йилда чоп этилган “Қирқ бешинчи бекат” деган китоби бор. Бу китоби ҳар бир журналист бўламан деган ижодкор ўқиб чиқиши керак. Китоб “Қирқ беш йилдан бери босмахона бўёғининг ҳиди димоғимга урилади, аммо бирор кунимни газетасиз тасаввур қила олмайман”, деган жумла билан бошланади. Қирқ беш йиллик тажриба – катта тажриба. Китобнинг 1 январдан то 31 декабргача бир йиллик кундалиқ шаклида ёзилгани алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки кейинги даврда кундалиқ ва альбом тутиш урфдан қичиб кетди. Бир пайтлар ҳар бир мактаб ўқувчисининг ҳам ўз кундалиғи бўлар ва у бир кунда кўрганларини шу дафтарига батафсил ёзиб борарди. Кундалиқ тутишининг йўқолиши ижодий тафаккурнинг кескин сусайишига сабаб бўлди. Ҳар бир оиланинг ўз альбоми бўларди. Келган меҳмон олдида меҳмон чойдан ҳам аввал оилавий альбомни кўярди. Натижада меҳмон шу оила тарихи билан танишиб оларди. Ўқувчилик даври альбоми, талабалик альбомни бўларди. Ҳарбий хизматдан қайтаётган йигит албатта уёқда тушган суратларидан альбом тайёрлаб қайтарди. Бу ҳаммага қизиқ эди. Бугун суратлар бениҳоя кўп, лекин альбом йўқ. Альбомнинг йўқолиши инсон хотирасининг кадрсизланишига олиб келди.

“Кундалиқлар” ҳақидаги гапларимизга қайтсак, “Қирқ бешинчи бекат” китобининг кундалиқ жанрида ёзилишининг ўзи Аҳмаджон Мелибоевнинг ўзига хос бонги ҳамдир. Аҳмаджон ака ўқувчилик йилларидан бошлаб ёндафтар тутишни одат қилган экан. Бу одат уни аста-аста катта ижодга, катта ҳаётга тайёрлаб борган. “Ўқувчилик йилларимдан бошлаб ёндафтар тутишга одатланганман. Унга ўзим гувоҳ бўлган, бошқалардан эшитган, ўқиган китобларимда учратган қизқарли, таъсирчан воқеаларнинг қисқача тафсилотини, авваллари учратмаган сўз ва ибораларни, мақол ва маталларни, турли ривоятларни, қишлоқ, тепалик, дала, адир, жилга, сой ва ариқларнинг номларини эринмай ёзиб юраман. Кексалар билан гаплашганимда, улар нутқининг ўзига хос хусусиятлари, масалан, қандай баҳслашишлари, танбех беришлари ва ҳатто... жаҳллари қиканда қанақасига сўкинишларигача эслаб қолишга ҳаракат қиламан”.

Кўрпачисини, Аҳмаджон акадаги мунтазамлик, ижодий фаоллик, юртпарварлигининг илдизи қаерда? Бу тажриба бугунги ёш ижодкорларга сабоқ бўлиши керак. Ўзини, томирларини, элини, Ерини таниш шундай бошланади. Бугунги кунда ўттиз-қирқ йил бир жойда яшаб, ўша жой номининг маъносини билмайдиган мулойимхунуқлар, илдизсиз кимсалар қўлайлиб борапти. Сину сумбатига қарасанг, бип-биноийлиги, ҳатто ҳавас қилгулик, лекин тийнатига қарасанг, сунъий гулдай, жони йўқ.

Худди шу гапларга ҳамоҳанг, Аҳмаджон аканинг яна бир гапи менга қаттиқ таъсир қилди:

“Яқинда бир гуруҳ бўлажак журналистларга дарс ўтдим. Бу иш билан анча йиллардан бери шуғулланиб келаман, аммо бу гап жуда... қийналиб кетдим. Гапим қовушмай қолди. Сабаби... Қўлнингизда бир боғлам мевали дарахт кўчатлари. Уларни экиш керак. Аммо, кўйиб турибсизки, аксариятининг илдизи йўқ. Сиз эсаксизми, бошқа бир миришкор боғбон экадими, барибир, қўламайди, барг ёзмайди, мева тугмайди. Шуни била туриб ҳам, уларни экиб, тагига сув қуюётганингизни, қўқлайдиган ва қўқламайдиган кўчатларни бир хил парваришлаётганингизни, бу билан ўзингизни ўзингиз алдаётганингизни қандай баҳолаш мумкин?”

Ўша қуни мен ўзимни ўзим алдаб, дарс ўтдим. Чунки менга тикилиб, қўзини олиб қочиб, сақич чайнаб ўтирган турфа хил талаба дўстларимизнинг қўлидан журналист чикмаслиги аниқ ва буни бошқалардан кўра уларнинг ўзлари яхши биладилар. Жуда аччиқ гап, лекин шундай...”

Аҳмаджон аканинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ва “Жаҳон адабиёти” журналада бош муҳаррир лавозимидagi фаолиятининг ўзи бир тарих. Ака қаттиқ ишлайди.



Ижтимоий тармоқлар ва интернетдаги суронлар анча қисиб қўйган босма нашрларнинг бугунги аҳволи, ғариблашаётган мутолаа маданияти, зиёсизлашаётган зиёлилик ва бунинг оқибатида ўтмаслашаётган дид, парокандаликка юз тутаятган фаросат, могорлаётган дунёқарашлар уни қаттиқ ташвишга солади. Қайда бўлмасин, ҳатто ошда бўлса ҳам, бу ҳақда гоҳо жиддий, гоҳо ҳазил-хузул билан кўнглидаги гапларини айтиб олади. Бир вақтлар катта тиражга эга илғор газет-журналларнинг обнуаси кескин камайиб кетиши миллий тафаккурга нечоғли таъсир кўрсатишдан қийинчи сўзлайди. Шу боис, Аҳмаджон ака борган даврага обун муаммоси ҳам эргашиб боради. Ака бу масалада безгина бетларни ҳеч бўлмаганда бир чимчилаб ўтиши бор гап. Баъзан эса, бир аjoyиб лутф билан бу мавзуга “снёсий” тус бериб юборади.

Аҳмаджон аканинг яна бир фазилати бор. Гап келганда андавалаб, бежаб ўтирмайди. Кўнглидагини рўйроост айтиб бериб боради. Бу бировга ёқиб, бировга ёқмасдир, лекин шахсининг позицияси шундай вақтларда билинади. Зеро, на иссиғи, на совуғи бор бир вагон сафсатадан кўра, бўладиган битта гап яхши.

Кўпгина адиблар Аҳмаджон Мелибоевнинг сарлавха топиш маҳоратига ҳам тан берадилар. Сарлавҳада мақоланинг моҳияти, ўзбекча айтганда, гапнинг индаллоси кўриниб туриши керак. Арабчада “индалло” сўзи “Аллоҳ ёнида”, “Аллоҳга яқин” деган маънони англатади. Демак, тилимизда Худога яқин – “ҳақ гап” маъноси шу сўзда ифодаланади. Мақолани уй десак, сарлавҳа шу уйга олиб қирадиган калит, қарвон десак – сарбон. Қолаверса, ўқувчи аввало сарлавҳага қарайди. “Хуштакни ким чалади?”, “Торнинг чўмичдан фарқи”, “Сувда оқиб келаётган пўстин”, “Олий найранг”, “Ўзимдан ўтганлари”, “Чўзма лағмон”, “Қўмрига айланган умр” каби сарлавҳаларни кўрган одам бу мақолаларни ўқимай ҳам кўрсин-чи.

Ўз ишининг севишинг энг катта бахтидир. Ҳамама муваффақиятларининг сирини ҳам аслида шунда. Иши юришмаганидан нолиб юрганлар, аввало, шу ишига қанча меҳри борлиғи ҳақида ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Мен кўп машаққатли йўллардан Аҳмаджон акани ўз касбига меҳри етаклаб ўтганига ишонаман. Бу ҳақда у кишининг ўзидан ўтказиб бир гап айтиш қийин: “Журналист сифатида дунёнинг ўнлаб давлатларини бориб кўрдим. Китоблар, мақолалар ёздим. Турмушнинг кўп мушкулотларини сабр-қаноат билан енгиб ўтдим. Яқинда шогирдларимдан бири мендан: “Агар журналист бўлмаганингизда... бошқа қайси касбни танлаган бўлар эдингиз”, деб сўраб қолди. Мен: “Бошқа касбни тасаввур қила олмайман, журналист бўлмаганимда ҳам... журналист бўлар эдим”, деб жавоб қайтардим”.

“Журналист бўлмаганимда ҳам... журналист бўлар эдим” – бу Аҳмаджон Мелибоевнинг ҳаёти ва ижодига, руҳияти ва табиятига мос ва хос гап!

Ўша гапим – гап! Мабодо, Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Сафедбулон аталмиш гаройиб ва аjoyиб қишлоққа боргингиз келса-ю, йўл олислиғи боис боролмасангиз, шундоқ Тошкент шаҳрининг ҳоқ марказида жойлашган Адиблар жиёбони ёнидаги Ёзувчилар уюшмаси биносига бориб, “Жаҳон адабиёти” журнали тахририятига кириб, эшигига “Бош муҳаррир” деб ёзилган хонага мўраласангиз, қоғозларга қўмилиб, қаттиқ ишлаб ўтирган донишманд Сафедбулонни кўрасиз. Сиз албатта ичкарига кириб, Сафедбулон билан суҳбатлашинг. Менга ишонаверинг, бу суҳбатда кўп нарсадан баҳраманд бўласиз.

Эшқобил ШУКУР



КУЗАТУВ

БУГУНГИ ЕВРОПА

адабиётмига бир назар

Ҳозирги замон жаҳон адабиёти олами, хусусан, Европа адабиёти бағрида кечаётган жараёнларни кузатар эканмиз, бир пайтлар урф бўлган “Адабиёт – адабиёт учун”, “Санъат – санъат учун” қабилидаги тамойиллардан кескин чекиниш ёки бу сингари адабий ақидаларни ортида қолдириб, яна ҳам илгарилаш манзарасига гувоҳ бўламиз. Гарчанд, замонавий Европа адабиётида ҳам оммавий дид ва истеъмолга мўлжалланган иккинчи, учинчи ва ундан кейинги тоифага мансуб сийқа ва саёз, олди-қочди, “ўлдим-куйдим”-дан иборат чучмал битиклар ҳануз тўлиб-тошиб ётибди. Ушбу ёзувларда биз худди шу бугуннинг бадиий воқелигини тамсил этишга даъвогарлик қилаётган йўналиш ва оқимлар, адабий мактаб ва баён шакллари юзасидан кузатувларимизни ўртага ташлаб, мулоҳазаларимиз билан бўлишамиз. Бунинг учун, аввало, ҳозирги адабий тараққиётга дебача бўлган модернистик ва пост-модернистик қарашларга бир кур назар ташлаб ўтишимизга тўғри келади.

РЕАЛИЗМ БИЛАН
БАҲС-МУНОЗАРАЛАР

Аввалги реализм билан баҳс-мунозараларга киришган модернистик адабиёт танқидий реализмнинг ижтимоий масалаларидан воз кеча бошлади. Бу адабиёт, шунингдек, мантикий боғланишларни – XIX аср ва XX аср бошларидаги реалистик йўналишдаги асарларда кўзга ташланувчи баёндаги давомийлик, сабаб-оқибатлар занжиридagi изчиллик, воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги масалаларини ҳам бир четга суришни маъқул топди. Инсонни уни ўраб турган оламдан ажратиб олиб, муфассал тадқиқ этишни асосий мақсади сифатида билиб, буни ўзининг бош белгиларидан бирига айлантирди.

Модернистик адабиёт қаҳрамони ўзи тарбия топган жамиятда амалда бўлган турмуш тарзи, урф-одат ва юриш-туриш қоидалари ҳамда ўзаро алоқа-муносабатлар мажмуи эмас, балки макон ва замондаги ҳар қандай муносабатлардан холи тарзда намоён бўлди. Бошқача айтганда, у макондаги аниқ белгилаб қўйилган муҳит ва фаолият шароитларидан, замондаги шаклланиш ва камолга ета бориш жараёнларидан озод этилган тадқиқ манзилга эврилди. Муайян асар қаҳрамонини алоҳида, ҳар қандай қолиплардан холи ва озод олиб қараш, уни шу ҳолича тадқиқ этиш адабий ҳолисликнинг юксак намунаси тарзида кўрилди.

Модернистик адиб эпик-баён услубидан қатъиян воз кечади. Бундай асарларда муаллиф нуқтаи назари, тасвирланаётган жараёнларга унинг “бурун суқиши” имконсиз, воқеа-ҳодисаларга нисбатан муаллиф баҳоси ва ҳукми батамом соқит қилинади. Қаҳрамонларнинг ўз ҳолича ва табиий ҳаракат қилишлари ҳам аслида адабий ҳолислик эмасми?

Модернистик асарлардаги кузатиш майдони, воқеа-ҳодисалар рўй бераётган майдон аслида ташқи олам эмас (гарчи ташқи олам унсурлари кўриниб турса ҳам), балки у атрофдаги жамиятдан холи бўлган алоҳида бир шахсининг ички оламига, унинг тафаккурига қўчиб ўтади. Ва шу тариқа, типик шахсларни (бир хил тусдаги оддий ва зерикарли шахсларни) типик шароитларда (бир хил тусдаги оддий ва зерикарли шароитларда) тасвирлашга ружу қўйган реалистик ва социал-реалистик адабиётга қарама-қарши ўлароқ, модернистик адабиётнинг тадқиқ объекти фавқулодда ва гоҳида эса ўта хаста руҳиятга эга алоҳида олинган шахс бўлиб қолади ҳамда кўз ўнгимизда бу шахс руҳиятидаги барча товланиш ва эврилишлар намоён бўлиб бораверади.

Бу шахс алоҳида олинган, барча ижтимоий мезон-қолиплардан озод инсон экан, модернистик адабиётнинг асосий масалаларидан бири – ёлғизлик ва ожизлик қоидалари юзага чиқиб келади. Кафка ва шу йўлдаги бошқа адиблар қарашларига кўра, инсон ўзининг якка-ёлғизлиги ва муштира-оқизлиги ҳолича аниқ бир душман ва ё аниқ бир кишилик жамиятга эмас, балки бутун оламга, тақдир азал деб қаралувчи бутун барлиққа қарши туради. Ва бу оламни ҳеч маҳал тафаккур билан англаш мумкин эмасдир.

ПОСТ-МОДЕРН АДАБИЁТИ
СИФАТЛАРИ

Модернизм билан пост-модернизм худудларини, улар шакллана бошлаган даврни аниқлаш имкони бўлмаса-да, айрим тадқиқотчиларнинг ишонишича, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар пост-модернизмнинг юксалиш даври саналади. Пост-модернизм мутлақ ҳақиқат мавжуд эмаслиги, атрофдаги воқелик аслида бир матн ва шу матннинг турли ифода-талқинлари экани ҳақидаги қарашларни илгари суради.

Унга кўра, қорғозга туширилаётган (ёки тушириб бўлинган) матн (ҳикоя, қисса, роман) такомил топиб бориши давомиди ҳар турли жанр, услуб ва азалий андазаларни ўзи истаган қўйларга солиб, аввалги модернизмнинг жиддий оҳангидан бегонароқ, ўйноқи тилда сўзлаганича, айнан шу асар мутолаасига шўнгиған (шўнғиётган) ўқувчи билан бекинмаоққ ўйнашга ружу қўяди. Муайян асарнинг



муайян муаллифи мавжуд эканини билиб турсак-да, асарни ўқишга бел боғлаган ўқувчиға сатрлар аро зимдан мурожаат қилиб, аслида ёзиб бўлингану, аммо мутолаа жараёнида саҳифама-саҳифа битиб борилаётган асарнинг ҳаммуаллифи бўлишга тақлиф ишораларини йўллаётганини пайқагандай бўламиз.

Бундан ташқари, диққатимизни матнга янада тийрақроқ жамласак, асар қаҳрамонининг ўзи ҳам шу асар сюжетининг бир унсур эканини билиб тургани ва шунга мувофиқ ҳаракат қилаётганини англаймиз. Буниси ҳам майли, аммо бу қаҳрамон фаолиятда бўлган сюжетнинг ўзи ҳам энди ўзини ўзи шарҳлаб, тафсир қилишга киришиб кетганини билгач, асар муаллифи киму персонаж кимлигини ёки буларнинг муносабатлари орасида адашаёзган мутолаагўй – ўзимизнинг ўрнимизни аниқ-тиниқ белгилай олмаи, адабий қарақликнинг бахрали таъмидан ташманиб қолаверамиз.

Қатъий тартибга бўйсундирилган яхлит сюжетнинг йўқлиги, юзак қарашда мутлақо бир-бири билан боғланмаган ҳар турли воқеаларнинг узук-юлук лахтаклари ҳеч қутилмаганда қаршимизда пайдо бўлиб, эндигина мантик сўқмоғига тушиб олаёзган диққатимизни яна пароканда қилиб юбориши, Вақтнинг шу вақтгача шууримиз кўникинган шаклда (кечмиш – бугун – келмиш) – аввалдан белгилаб берилган йўналиш бўйича оқиши лозим бўлгани ҳолда, “кечмиш, бугун ва келмиш” энди бир бутунлиқда бор бўлиб, бу шаклларнинг барчаси бир-бирининг худудига мунтазам сизиб киравериши пост-модерн адабиётнинг навбатдаги сифатлари сирасига киради. Асар давомиди содир бўлган (бўлаётган) бу йўсин талотўпларнинг барчасидан мақсаднинг не экани энг пировардида ойдинлашиб, ич-этингизни кемирган саволи-таажубларга китоб хотимасида жўяли жавоб топарман, қабилида умидвор бўласиз ҳамки, аммо бу қутувингиз-да чиппака чиқиб, сўнги саҳифанинг сўнги жумласини янқулашингиз ҳамоно, ҳаёлларингиз ҳар тараф сочилиб, яна бир дунё саволлар исқанжасида ёлғиз қолаверасиз.

Пост-модерн адабиётнинг интилишлари шу билангина тамом бўлмайди. Бунда биз яна истилох, ишора ва бошқа асарларга мўл-қўл ҳаволаларга йўлиқамизки, мумтоз адабиёт билан бугунги оммавий маданият, кўҳна асотирлар билан қундалик турмуш манзараларию реклама лавҳлари, қадим фалсафий арконлар билан бу куннинг сийқа аюхан-нослари ғалат тарзда ўзаро қоришиб бораверади, бир матнинг бағридан жой олган таниш ё нотаниш бошқа матнлар бирлашиб ёки айрилиб, ажойибхона манзараларини намоён қилади. Боя айтилганидек, бу тур асарларда том маънода муаллифнинг ўзига ҳам “жаноза ўқилиб”, матндан кўзланган мақсад ва маънолар талқини мутолаагўйнинг ўзига ҳавола этиб қўй қоланади.

ҒОЯ ВА ҚАҲРАМОНЛАРГА
БЕЭЪТИМОДЛИК

Урфда бўлган “улуғ ғоя”ларга беэътимод пост-модернизм жамият тараққиёти, муайян бир халқ ёки шахсининг тарихий миссияси, мутлақ ҳақиқат сингари тушунчаларни шубҳа остига олиб, мардон-навор қаҳрамонларга доир ривоятларни ҳам кескин инкор этади. Аввалги ақидаларга кўра, тарих олдинга – асотирлардан тафаккурга, алғов-далғов хаосдан тартиб ва низомга, жаҳолатдан тамад-дунга илгарилаш тарзида тушунилиб, бадиий адабиёт ҳам худди шу йўналишни ўзида акс эттириш воситасида инсон камолотига улуш қўшишга даъват этилган бўлса, пост-модернизм бу ўринда ҳам кескин эътирозларини ўртага ташлайди. Тараққиёт ғоясини янги замон чўпчакларидан бири сифатида талқин қиладиган пост-модернизм техникавий ва руҳий-ахлоқий юксалишини ҳам, аслида, юқори доиралар авом ҳазми учун тақдим этаётган уйдирмадан бошқа нарса эмас, деб ишонади.

Пост-модернизм тушунчасига кўра, XX аср ва бугунги кундаги ҳеч поёни йўқ саваш-урушлар, инсон кадр-қимматини беаёв топтаган ва топташда давом қилаётган оммавий қирғинлар “ёрқин келажак”ка умид ва ишончларни барбод қилди. Натижада бутун бошли жамиятларни қамраб олган руҳий

тушқунлик бадиий адабиётда ҳам инъикосини топиб, охири баҳайр хотималанган асарларни топиб бўлмай қолди – сюжет тақомили даврий тақрорланиш ёки абсурдликка қурилган бу асарларда келажакнинг ўтмишдан кўра авло ва ёруғроқ бўлишига ваъдаларни энди учратмаймиз.

Мазкур оқим фалсафаси бу дунёда олижаноб халқ ва юксак бурч-мақсадлар мавжуд эмас, тарих эса уни турлича англаш ва мана шу турлича англаш оқибатида келиб чиққан саноксиз талқинлар тўпламидан ўзга нарса эмас, дея талқин қилади. Шундан келиб чиқиб, тарихий воқеаларга истехзо билан ёндашилган пост-модерн адабиётда “юксак ғоялар” ҳокимият жиловини тутган доираларнинг оддий сафсатаси сифатида тақдим этилиб, гўёки тарих талотўпларидан музаффарият яловини баланд кўтариб чиққан ғолиб-қаҳрамонлар ҳам худди шу ўтмиш чорраҳаларида ғойиб бўлишга маҳқум этилади.

Модернизм ва пост-модерн даврига қадар ягона ва мутлақ ҳақиқат ёки воқеликни тафаккур, илм ва санъат кўмағида инкишоф этиш мумкинлиги, муайян муаллиф уни матнда тўғри ва саҳиҳ ифода этишга қодир эканига нисбатан комил ишонч устувор ёндашув саналган бўлса, энди ўша ҳақиқат ёки воқелик ҳам мутлақ ва ягоналик сифатини бой бериб, битта ўрнига энди унинг кўплаб мутаносиб кўринишлари мавжудлиги ҳамда ҳақиқат ёки воқеликнинг ҳар бир кўриниши аслида у ҳақда сўзланган кўплаб эҳтимолий ҳикояларнинг биргинаси экани баралла эълон қилинди. Ушбу таъкидларни бадиий адабиёт саҳнига кўчирадиган бўлсак, айнан бир воқеа турли персонажлар тарафидан турлича баён қилинади ва бу баёнларнинг бирортаси ишончли экани маълум қилинмади. Ўқувчининг ўзи ўз қувваи ҳофизасига биноан асар маъноларини саралаб борса-да, аммо у ҳам ниҳоявий ечим ва якуний жавобга мушарраф бўла олмади.

Тил воқеликни ўзида акс эттирмайди, билъақс, унинг шаклини чизиб, тархини тузади. Ҳар қандай матни адоқсиз тарзда турлича мутолаа қилиш мумкин. Шу тариқа, ишончга “нолоийк” муаллиф қаламига мансуб “омонат” асардаги воқеанинг қўлаб зиддиятли талқинларига йўл қўйлади ва аввалги асарлардан кўзланган ишончга сазовор ягона маъно, яъни “қиссадан ҳисса”га ўрин қолдирилмайди.

Улуғвор мақсадлар йўлида жасорат кўрсатадиган, эзгу амаллар мужассами сифатида алқанган ўтмишнинг буюк баҳодир ва қаҳрамонларига оид афсона ва ривоятлар пост-модерн адабиётда ўз кадр-қийматини йўқотади. Бу қаҳрамонлар тинимсиз таназзулга дучор қилинади, уларнинг тилларда дoston шуҳрати аслида сохтакорлик маҳсули деб қаралиб, муайян қаҳрамон ўрнини бошқа аксил-қаҳрамон ёки тасодифий персонаж эгаллайди. Аввалги қаҳрамонлар шу тариқа хатокор ва гумроҳлиги билан бошқа ожиз бандалар даражасига тушириб қўйилади. Улар жасорат дейишга бирмунча арзирли қай бир тадбирга қўл урганлари чоғида ҳам, ушбу дадиллиқнинг қадри кўринмайди ёки беўхшов тақлид тарзида калака остига олинади. Собикнинг ҳаволанган жўшқинлиги жорийнинг истехзою кесатик ва суллоху сурбет мутуйибасига таслим бўлади.

Мазкур қайдларнинг хулосаси шуки, модерн ва пост-модерн фалсафаси ва адабиёт эскиларни ўрнига янги ҳақиқатларни қарор топтирмайди, балки ҳар қандай ўзгармас ҳақиқатлар, аслида, тамаддун ва ҳокимиятнинг истак-ихтиёри билан яратилган нақл ва маталлар, асотир ва афсоналар ҳосиласи эканини таъкидлайди. Шу сабабли ҳам, бу фалсафа ва адабиёт ўзгармас билинган азалий арконларни муттасил шубҳа остига олади, уларни бўлақларга ажратиб, улар асосида ётган андоза ва зиддиятларни ўз ўлчовлари билан тадқиқ этишга ҳаракат қилади.

Аслида, қотиб қолган қонуниятларни қайта тафаккур қилишга интилиш, эскилик харобалари ора-лаб янги уфқлар сари бошқа сўқмоқлар очилишига ишонч ёхуд эҳтиёж адабиёт ва фалсафада янги-янги оқим ва йўналишларни юзага келтиради.

Шарифжон АҲМАД.
Амстердам

ҚУТЛОВ

ҲАР ИШИ ИБРАТ,
ҲАР СЎЗИ ҲИКМАТ

Орамизда қонун устуворлиги ва адолат тантанасини ҳаётининг мазмунига айлантирган, тақдирини, умр йўлларини мамлакат келажаги билан чамбарчас боғлаган шундай инсонлар борки, улар халқимизнинг оғир ва синовли йилларида ҳам синмасдан, виждонига ва бурчига содиқ қола олган фидойи ва мард фарзандларидир. Ўзбекистон прокуратураси фахрийси, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Ботир Калонов ана шундай инсонлардан бири.

Унинг меҳнат фаолияти Ватанимизнинг мустақилликка эришиши арафасидаги машаққатли даврлар, истиқлолнинг илк қадамларидаги қийинчиликлар ва энг масъулиятли йиллар билан уйғун. Давлатчилик асослари шаклланаётган, қонун устуворлигини таъминлаш, юрт осудалигини барқарор ушлаб туриш осон бўлмаган йилларда у бор куч-ғайрати, билими ва ҳаётини Ватан манфаати учун сафарбар этди, қийинчиликлардан асло чўчимади, масъулиятдан чекинмади.

Биз Ботир Калонов деганда мамлакатимиз прокуратура тизимининг маънавий таянчи, тажрибаси ва жасорат тимсолини тушуниб қолганмиз. Унинг яратган мактаби, қатъияти ва адолатпарварлиги бугунги авлод учун ҳар томонлама ибрат эканини уни таниган-билган ҳар бир киши чин юракдан эътироф этади. Устоз айна пайтда табаррук 85 ёшини қарши олаётган бўлса-да, қўл қовуштириб ўтиришни ўзига эп кўрмайди, тўплаган бой билим, тажриба ва кўникмаларини эзгу амалларга сарфлаб келади.

Ботир Калонов Қашқадарё вилоятининг файзли масканларидан бири – Ғузор туманида туғилган. У прокуратура органларидаги фаолиятини 1965 йилда Қарши шаҳар прокуратурасида катта терговчи сифатида бошлаб, Қашқадарё вилояти прокуратурасида бўлим бошлиғи, Қарши шаҳар прокурори, Қашқадарё вилояти прокурори, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим бошлиғи ўринбосари, Сирдарё вилояти прокурорининг ўринбосари, Навоий вилояти прокурори каби масъул лавозимларда мамлакатимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилди.

У қайси ҳудудда, қандай лавозимда ишламасин, қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда адолат тамойилларидан оғишмади. Самарали меҳнатларни эвазига “3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси” махсус унвони, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони, “Ҳурмат белгиси” ордени, қатор медаллар ва фахрий ёрлиқлар, эсдалик нишонлари билан тақдирланди.

Яқиндагина, 2026 йилнинг 8 январиди эса Ўзбекистон Президентининг фармониға биноан

яна бир юксак мукофот – “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди. Бу ҳам Ботир аканинг бугунги кундаги фаолияти, фидойилиги учун берилган олий баҳо, ҳурмат ва эъзоз ифодаси бўлди. Шу боис, мазкур эътироф мамлакатимизнинг прокуратура тизими ходимлари ва фахрийларини бирдек мамнун этди.

Ботир Калонов 2002 йилдан буён Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Тиниб-тинчимас, серғайрат инсон марказининг асосий ташкилотчиларидан бўлиб, умрини эл-юрт тинчлиги учун бахшида этган прокуратура фахрийларидан кунда-кунора хабар олишдан чарчамайди. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 9 май куни Ғалаба Ғоғининг тантанали очилишида ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, уч авлод учрашувларини ўтказиш тўғрисида тавсия берганларидан кейин у Бош прокурор раҳбарлигида бу учрашувлар ғоясини ҳаётга изчил таъбиқ этиб, фахрийлар, амалдаги ходимлар ва ёш мутахассислар ўртасида маънавий боғлиқликни мустаҳкамлаб келмоқда. Фахрийларнинг соғлигини тиклаш, ижтимоий муаммоларини тиклаш, ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, юбилей ёшларида шахсан бориб Бош прокурор номидан табриклаш унинг кундалик меҳнатига айланган.

Ботир Калонов оилавий ҳаётда ҳам намуна бўла оладиган инсон. Турмуш ўртоғи билан бирга фарзандларини баркамол, эл-юртга наф келтирадиган, олий маълумотли мутахассислар этиб тарбиялади. Бугун улар жамиятнинг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб, ота-онасига муносиб бўлишдек бурчини ортиғи билан адо этиб келмоқдалар.

Ортада қолган 85 йиллик умр – шунчаки рақамлар эмас. Бу йиллар Ботир ака учун бошдан кечirilган синовлар, қимматли тажрибалар ва тўплаган бебаҳо маънавий хазинадир.

Табаррук ёши муносабати билан Ботир Калоновга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий бахт, фарзандлар ва набиралар камоллини тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси жамоаси



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

1937-1938 йиллардаги мудҳиш “катта террор” юҳоси ўз домига тортиб кетган ҳар бир аянчилик тақдир калбни эзади. Хужжатлар билан яқиндан танишган сайин, барчамиз учун бир ҳақиқат тобора ойдинлашади: кўплаб номлар йиллар давомида сукунат ортида қолиб, қачонки, яқинларининг сўнгсиз мурожаати, илтимослари, оху зорлари ортидан юзага чиққан.

Ана шундай фожиали қисмат эгаларидан бири Акбар Аҳмедов 1901 йили Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Унинг болалиги отасига эргашиб сувоқчилик қилиш билан ўтади. Лекин оғир меҳнат залвори остида ўқишни ҳам четга суриб қўймайди. Дастлаб уч йил татар мактабида, сўнг бир йил рус мактабида таҳсил олади. Шу тариқа, ўн беш ёшига қадар ўқиш баробарида сувоқчилик ишларида отасига қарашиб юради. Ана шу меҳнат ва ўқиш муҳити уни шахар ҳаёти билан яқиндан таништириб, кейинчалик жамият ишларига жалб этилишига замин яратади.

1917-1918 йилларда Қўқон шаҳрида инқилобий воқеалар юзага келган бир пайтда, қаҳрамонимиз бевосита бу жараёнлар марказида бўлган авлод вакиллари билан эди. Шаҳарда ҳокимият алмашинуви, иқтисодиётнинг издан чиқиши, тартибсизлик ва зўравонлик ҳолатлари унинг ҳаёт тажрибасида чуқур из қолдиргани



“Тўрт нарсга улуглиққа далолат қилур: илмни азиз тутмоқ, ёмонни яхшилиқ бирла дафъ қилмоқ, ғазабни ютмоқ ва жавобни савоб бирла бермоқ.”
Хожа Ахрор ВАЛИЙ

МУШОҲАДА

“ДАРИФО, САРМОЯ ЙЎҚ...”

1883–1964 йилларда яшаган тошкентлик жадид Мўминжон Муҳаммаджонов тақдир тақозосига кўра кечроқ – ўттиз ёшлар атрофида уйланган ва бунинг энг катта сабабини дасти қисқалик – камбағалчиликда дея билган. У ёш йигитларнинг кечикиб уйланиши ёки умуман уйланмай ўтишни тўйларга сарфланадиган ортиқча харажатга боғлаган.

Тошкентдаги турли маросимлар қанча маблағ талаб қилишини ўз кундаликларида ёзиб борган ва 1926 йилда бу қайдларини “Турмуш урунишлари” (Бир муллабаччанинг хотира дафтери) номи билан китоб ҳолида нашр эттирган.

Маълумки, жадидлар дабдабали маъракаларга қарши курашганлар. Адиб Абдулла Қодирий бу мавзуда “Тўйларимиз” сарлавҳали сатирик ғазал ёзган. “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларидан ҳам ортиқча тўй харажатлари борасида муҳим хулосалар чиқариш мумкин. Масалан, Отабекнинг Марғилондан уйланишини олайлик. Қодирий ўз романида тўй анча бечиким ўтганини писанда қилган. “Меҳробдан чаён”да Анварнинг уйланишида ҳам камчиқимлик сезилади.

Мўминжон Муҳаммаджоновнинг “Турмуш урунишлари” асари “Ўткан кунлар”даги бева бўзчининг хотини ўлгандан кейин бошқа уйланмагани, “Меҳробдан чаён” романидаги қоровулнинг сўққабаш ўтиб кетаётганини бир қадар изоҳлайди.

Академик шоир Ғафур Ғулом бир шеърда дасти қисқа ошиқларни “деворнинг тешигидан яхши кўрганнинг ҳовлига чиқишни поилаганча кипригига ўргимчак ин қурганлар ҳам бор”, дея таърифлаган.

Ошиқ бор, маъшуқа бор, дарифо, сармоя йўқ...
Оллоёр БЕГАЛИЕВ



ҚАДРДОН КИТОБЛАР

Сиз ҳам топиб ўқинг!

Мактабда ўқиб юрган кезларимизда, адабиётдан ёдлашга берилган баъзи тумтароқ шеърлар бўларди – қайта-қайта ўқисак ҳам хотирага кирмай тихирлик қилар, ёддан айтганингда сатрлари чалқашиб, сўзлари тумтарақай қочиб кетаверарди.

Нега бир шеърни осонгина ёдлайману бошқаси ҳеч эсда қолмайди, деб хайрон бўлардим. Кейинчалик билдимки, азбаройи бандни тўлдириш ёки қофия учун битта қаторга мажбурлаб йиғилган сўзлар барибир бирикмас, шу боис, ёддан айтганингда сатрлар айқаш-уйқаш бўлиб кетаверар экан. Аксинча, бир воқеа ёки мазмунни изчил ифода этаётган шеърда ортиқча сўз бўлмас, бир-бирини тўлдириб келаётган сатрлар хотирада ҳам яхлит бир бинодай бинойи ўрнашар экан. Бу ҳолнинг “юракдан ёзилган асар юракка етиб боради”, деган изоҳи бор.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг шеърлари – ҳоҳ у катталарга, ҳоҳ болаларга ёзил-

ган бўлсин, бир ўқишингиз билан ёдда қоладиган “жон”и бор асарлардир. Ҳар бири самимий ёзилган, шу сабабли, кўнгилларга осон ўрнашади.

1990 йиллар бошида шоирнинг “Безакшамол” деган юпқагина – ниҳоятда жозибали китобчаси билан танишганман. Қизиқиб ўқий-верганимдан тўплам бошдан-оёқ тўлиқ ёд бўлиб кетган. “Аёғинг тортмоғон ерга айланиб бормоғон яхши”, “Бировдин олмоғин мақбул, бировга бермоғон яхши”, “Учрағай бир тўп бақа бўлбўл бўлиб тургон зовур”, “Келур икки сулув, аҳ-аҳ, нозлари мўллагон эрди, Бири ғунча эди паққос, бири сал гуллағон эрди”, “Жаҳаннамга ўзи шошса, йўлин қандай тўсай эмди?”, “Замин ҳўкиз шоҳида қалтис туюрди бешак, Бирон маст ул ҳўкизга иргитмаса бас хашак”, “Қарз олсанг, соқовдин ол”, “Хатто айғоқчи эрсанг-да, арилар суҳ-батига бурун тикма”, “Дўстга сир айтиб, ул бечорадин сотқин ясамағил” деган ғаройиб сатрларни бошқаси билан айтиб юрардим. Ҳолбуки, мен бу шеърларни ёдлаш

учун ўқимагандим. Бунга қадар Анвар Обиджоннинг китоблари кўлимга тушмаган, матбуотда қилган яккам-дуқкам асарлари билан танишиб, у кишини болалар шоири деб ўйлаб юрардим. Шундан сўнг, устоз шоиримизнинг ҳамма асарларини қидириб ўқийдиган бўлдим.

Анвар Обиджон – ниҳоятда ўзига хос шоир. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси ҳомийлигида нашр этилган “Танланган асарлар” китобини ўқиб, шоирнинг фақат ўзигагина хос бўлган бадиий услуби унинг илк шеърларидаёқ буй кўрсатганига амин бўлиш мумкин. Китобдан адибнинг турли йилларда эълон қилинган шеърлари, қиссалари, достон-қиссалари, эртақлар ва поэмалари ўрин олган. Ёзилиш санасига кўра тартибланган асарлар ижодкорнинг маҳорати тадрижий юксалиб борганини кўрсатади. Бир пайтлар телерадио орқали миллионлаб қаёқларга кириб борган “Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гузал, Умрнинг ҳар дами ғанимат”, дея нақоратланувчи дил-



тортар шеърларни, “Сен каби қомати расо Фарғонада биттагина” сингари сўлим қўшиққа айланиб кетган самимий мисраларни, “Уч-чаноқ”, “Игнабарг шеърлар” каби адабий янгилек бўлган фалсафий мушоҳадаларни, болаларга аталган бўлса-да, катталарни ҳам қулдирадиган ва ўйлантирадиган ажабтовур асарларни бир муқова остида ўқиш мумкин.

Айтганча, “Бологое” дегани нима, биласизми? Қизиқсангиз, бунинг маъносини ҳам ушбу муҳташам тўпламдан топасиз. Хуллас, Анвар Обиджоннинг “Танланган асарлар”и сизни ўзига мафтун этади, албатта, топиб ўқинг!

Икром ИСКАНДАР

ШАРАФЛИ ҚИСМАТ

давр руҳини англаш ҳиссиёти кучли эди. Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган фазили. У буни “Темир хотин” асарида яққол намоён этди, – деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қўқор Норқобил. – У шаклни топди, Аломатхон образи орқали давр фожиасини яққол кўрсатди. Бу комедия эмас, трагик комедия, ҳатто трагедия эди.


Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таникли кинорежиссёр Исмаил Эргашев қадрдон дўсти билан боғлиқ хотиралари билан ўртоқлашаркан: “У билан узоқ йиллар ҳамкорликда ижод қилдик. Жумладан, “Юзсиз” фильми, “Шариф ва Маъриф” комедияси, “Тилла бола”да бирга ишладик. Ундан ташқари, амалга ошмай қолган режиссаримиз ҳам кўп эди. Энг биринчи ишимиз

– “Темир хотин”. Аслида, уни менга Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов таништирган. Бир куни кўлимга Шароф ёзган пьесани тўтқазиб: “Ака, шуни ўқинг, сизга ёқади, фақат бир шартим бор – бош ролни мен ўйнайман”, дегани ҳеч эсимдан чиқмайди”, деди.

Шунингдек, хотира кечасида драматургининг укаси Марат Норматов қизиқ бир воқеани эслади: “Бир йиғилишда бошловчи адашиб, акамни Ўзбекистон халқ ёзувчиси дея таништирган. Ҳолбуки, у пайтда унвон ҳақида гап-сўз йўқ эди. Барибир залда гулдурас қарсақ янгради. Шунда устоз Саид Аҳмад: “Қаранг, ука, давлат бизга унвон берди, сизга эса халқ аллақачон бериб бўлибди”, деганди...”

Аббос ШОЙИМОВ

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Рустамбек Ниёзбеков – 1894 йили Тошкентда туғилган. Эски мактабда савод чиқарган. 1918 йили тошкентлик тараққийпарварлар билан бирга 8 ойлик ўқитувчилар курсини ташкил этган. “Иттиҳод ва тараққий”, “Миллий иттиҳод” ташкилотларида фаол хизмат қилган. 1921-1922 йиллари Туркистон АССР маориф халқ комиссарлиги хўжалик бўлими раҳбари бўлган, маориф комиссарлиги Вақф бўлимида фаолият юритган. Мунаввар қорига яқин киши сифатида 1930 йил бошларида қамоққа олинган. 1932 йил 13 апрелда Новосибирскда вафот этгани ҳақида маълумот бор.

Қилич Абдуллаев – 1900 йили Бехбудий шаҳрида туғилган. Ўтмишда Керки беклигида хизмат қилган, партиядан ўчирилган. Қамоққа олинган пайтда Ўзбекистонда ишлаётган бўлган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган. Миллий озоқлик ҳаракати вакиллари билан қурол билан таъминлаб турганлиқда ва аксиланқилобий ташкилот йиғилишларида совет ҳокимияти билан курашиш бўйича тизимли тарғибот олиб борганлиқда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандига асосан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 13 сентябрдан ҳисобланган.

Содиқ Жумаев – 1881 йилда Шофиркон райони Қатоғон қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда колхоз котиби бўлган. Доимий равишда аксиланқилобий мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганлиги учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан айбланиб, 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

Набиҳўжа Саидхўжаев – 1879 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Диний хизматчи, имом. “Шўро Ислои” ташкилотининг фаол аъзоси, аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва фашистик тарғибот олиб борганлиқда айбланган. Набиҳўжа Саидхўжаев 4574-сонли иш бўйича айбланиб, олий жазога ҳукм қилинган.

Маҳмуд Нуриллаев – 1873 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Шўро Ислои” ташкилотидаги фаолияти учун қамоққа олинган. У табиблик билан шуғулланган. Аҳоли орасида аксиланқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганлиқда, халқ душманларини мактаганлиқда айбланган. Бухоро сектори тақдим этган 2437-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган.

Толибжон Охунжонов – 1884 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1920 йилдан 1930 йилгача партия аъзоси бўлган. Аксиланқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган ва шу сабаб партиядан ўчирилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганлиқда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганлиқда айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

Аъзам Аюпов – 1904 йили Тошкент шаҳрида туғилган. У 1935 йили рус тилида битилган ўз таржимаи ҳолида шундай ёзган: “...1919 йилгача қуйи – ўрта мактабда (7 йиллик) ўқиганман, 1921 йилга қадар турли курсларда ўқиш билан бирга ишлаганман, 1919 йилдан 1920 йилгача “Турон” кутубхонасида кутубхоначи, ундан сўнг “Қизил байроқ”, “Туркистон” газеталари тахририятида ва ҳозир “Қизил Ўзбекистон” газетасида ишламоқдаман. Мазкур редакцияларда адабий ходим, корректор, бўлим мудири, масъул котиб ўринбосари, масъул котиб сифатида фаолият кўрсатганман. Ҳозирги вақтда “Қизил Ўзбекистон” редакциясида масъул котиб ва “Гулистон” журналида муҳаррир ўринбосари вазифасидаман”.

Аъзам Аюпов “Ер юзи” журнали масъул котиби, “Қизил Ўзбекистон”, “Правда востока” редакцияси ходимлари қасаба союзи раиси бўлган. У рус, турк, татар тилларини билган. Аксиланқилобий ҳаракатга мансублиқда айбланиб, 1938 йил 5 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан отувга ҳукм этилган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АҚБАРОВА,
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).



МАРАФОН

Бирор халку элатнинг фаровонлиги унинг бозоридан аён бўлиши қадимий ҳикматларда нақл қилинади. Айни бирор миллатнинг қадрияти эса оилавий маросимлар, хусусан, тўй ва маъракаларда зоҳир бўлса, ажаб эмас.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ёзганидек, бир тўй харажатида бир бой японнинг бир камбағал ўзбекка тенг кела олмаслиги чин. Шу маънода, донишманд олим Альберт Эйнштейннинг ушбу сўзлари хотирга келади: “Болаларингизга қандай пул топишни эмас, уни қандай сарфлашни ўргатинг”. Халқимизда “Пул топиб, ақл топмаган” деган ибора бор. Бу ибора чўнтагидаги пулни “бебилиска” харж қилган кишига нисбатан қўлланади.



Тўй ихчам – ўй ихчам

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги “Қорасув” худудида мана шундай йигит – куёв маҳалла фаоллари ва нурунийлар, жамоатчилик томонидан тартибга чақирилди. Гап шундаки, А.Ғ. исмли йигит ўтган ҳафтада никоҳ тўйи муносабати билан уйи қолиб, кўчани турли парда ва сунъий гуллар, безакли арқлар билан ясаган. Тўй ва шодиёна шукуҳини улашгани учун куёвтурадан, албатта, қариндош-уруғ ҳам, маҳалла аҳли ҳам миннатдор. Башарти, бу тадбир маромидан бўлганида, маҳалла аҳли миннатдорликда давом этарди ҳам. Аммо ҳашамга ўч ва орзу-ҳавасини жиловлай олмаган йигит йўлнинг қатнов қисми ярмигача арқ ясади, транспортлар ҳаракатига но-



кулайлик туғдирди, шахсий манфаатини одамлар манфаатидан устун қўйди. Аиникса, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида маҳалла аҳлининг фаоллиги ва уюшқоқлиги самараси ўлароқ яқинда асфальтланган кўчага қозиклар қоқилиб, унга жиддий зарар етказилган маҳалладошларнинг дилини ранжитди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Ўрта Чирчиқ тумани бўлими, ички ишлар бўлими, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла фаолларининг даъвати, нурунийларнинг насиҳати орқали тўй безаклари маромига солинди, тўй эгалари эса тартибга, инсофга чақирилди.

Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманлари, маҳалла ва қишлоқларида жамият-

да маромийлик маданиятини кенг тарғиб этишга қаратилган бу каби тадбирлар давом этмоқда. Тарғибот тадбирларида тўй-ҳашам ва ортиқча исрофгарчилик, жумладан, оилавий тадбирлар ва бошқа маросимларда меъёрни сақламаслик каби иллатлар тез-тез учраб туриши, бу каби ҳолатлар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига путур етказибгина қолмай, миллий қадриятларга зид кайфиятнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлаётгани таъкидланмоқда. “Маромийлик марафони” доирасидаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ олиб борилаётган бундай тадбирлар ижобий натижа бераётганини юқоридаги ҳолат мисолида кўриш мумкин. Бироқ бу хотиржамликка кафолат бўла олмайди.

Оилавий маросимларни тартибга солишда қуйи бўғин раҳбарлари ва депутатларнинг шахсий намуна кўрсатаётгани, албатта, қувонарли.

– Яқинда набирамни тўй базмисиз уйлантирдик. Ажабланманг, никоҳ тўйига бағишланган базм ташкил этилмади. Бу етишмовчилик ё бошқа шу каби бирор сабаб билан эмас, азбаройи, одамлар орасида ихчам тўй билан ҳам, умуман, базмисиз ҳам бахтли оилага асос солиш мумкинлигини амалда кўрсатиш учун эди, – дейди “Нуруний” жамғармасининг Нурафшон шаҳар бўлими раҳбари Жўра Аҳмедқулов. – Никоҳ тўйи базми ўрнига хонадонимизда кичик маросим ўтказилди. Келин узатиб келган қудаларимиз уйимизда меҳмон бўлди, шу ернинг ўзидан ихчам базм ҳам ташкил этилди. Қатнашчилар юз кишига ҳам етмади. Тўйга харж қилиниши керак бўлган, бироқ тежалган маблағ келин-куёвнинг хориж саёҳати учун ажойиб сармоя бўлди. Кўз тегмасин, набираларим бахтли ҳаёт кечиряпти. Уларнинг бахтини кўриб, бизнинг ҳам умримиз узаяётгандек, гўё. Айтмоқчиманки, тўйлар, майли, бўлаверсин, аммо тўқликка шўхлик мусобақасига, исроф ва увол майдонига айланиб кетмасин! Бу бўйича бобо-бувилар ўртасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини жадал олиб бориш талаб этилади.

Дарҳақиқат, жамиятда бир киши бошлаб берса, хайрли ташаббус қўлоқ ёйди. Кўпчилик “куёв навкар”ни, “чарлар”ни, “қиз базми”ни қисқартиролмай юрган бир пайтда, Жўра ота ўзи бош бўлиб, никоҳ базмини ҳам ўтказмай кўя қолибди. Бундан ўрнак олиш лозим, албатта.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари билан бўлиб ўтган давра суҳбатидан Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ тумани Кенгаши раиси Раъно Жуманова тўй маросими билан боғлиқ асосли мавзунини кўтарди.

– Тўйга артист чорлаш ҳаммамиз учун оддий туюлиши мумкин, аслида эса, ҳозирги тўйлардаги энг долзарб масалаларнинг бири шунга бориб тақалади, – деди Раъно Жуманова. – Нима учун десангиз, йиллар мобайнида тўйга тайёргарлик кўрган тўй эгалари ўзлари истаган кунда бу маросимни ўтказиш им-

кониятидан маҳрум! Ҳа, худди шундай! Унда ким белгилайди, дейишингиз мумкин. Тўй кунини артист, ҳа, артист белгилаб беради. Афсуски, “бирровчи” артистларнинг жавоби, аниқроқ айтилса, “бўш кун”га қараб тўй белгиланади. Шу тариқа, қудалараро келишилган муддат бир неча кун ё ҳафтага сурилиши ҳам мумкин.

Раъно Жуманова давра суҳбатидан ўринли фикрни ўртага ташлади. Унга қўра, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, “Нуруний” жамғармаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ўзбекистон муслмонлари идораси ҳамкорликда бошлаган “Маромийлик марафони”га эндиликда Маданият вазирлиги ҳам қўшилса, тўйчи хонандаларни тартиб ва инсофга чақириб, шу орқали ўзбек миллий санъатининг энг сара намуналаридан иборат миллий тўй репертуарини шакллантириб берса, нур устига нур бўларди. Ахир, ёшлар қачонгача “Дилхирож” эмас, “Лезгинка”га рақс тушади?!

– Дабдабали тўйлар ҳақида “ихчам” уйларни баён қилгимиз келади. Аммо тўйлар ихчамлашмас экан, уйларни ҳам ихчамлаштириб бўлмайди, назаримда, – дейди Паркент тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Марғуба Иноятова. – Тўй, маърака ва оилавий маросимларни белгиланган чекловлар асосида тўй ошларини икки томон келишган ҳолда бир кунда битта тўйхонада ўтказиш, шунингдек, тўйларни ҳам икки томон баҳамжihat бир кунда битта тўйхонада ташкил этиши тавсия этилмоқда. Бу катта миқдордаги исрофгарчиликнинг олдини олиш учун хизмат қилади. Шу маънода, “Қадриятлар қадр топган оила” мавзусидаги тарғибот ва тушунтириш тадбирларини ҳам ўтказиб келмоқдамиз. Бу орқали жамиятда миллий қадриятларга ҳурмат, меҳр-оқибат ва бирдамлик руҳини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. “Маромийлик марафони” давомида тўй ва маросимларда ортиқча дабдабадан воз кечиш, тежамкорлик ва маънавий қимматга эътиборни ошириш учун “Тўймисан, тўй бўлди!” шиори остида намунали тўйлар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бундай тўй эгаларига “Ибратли оила” кўрак нишонини топириш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизни камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадини ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилаётганининг туб замирида халқ фаровонлигини таъминлашдек эзгу гоё ётади. Бироқ исрофгарчиликка асосланган сунъий удумлар давлат сиёсати ҳам, ўзбек халқининг миллий урф-одатларига ҳам тамоман зиддир. “Маромийлик марафони” доирасида ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида мана шулар муҳокама қилинмоқда, аҳоли исрофдан чекинишга даъват этилмоқда, зарур ҳолларда қатъий чоралар кўриляпти. Зеро, тўй шунчаки оилавий маросим эмас, миллий қадриятдир.

Отабек ИСРОИЛОВ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ЎҚИТУВЧИНИ БЕЧОРА ҚИЛИБ КЎРСАТМАНГ!

Ҳурматли режиссёрлар, адаблар, драматурглар!

Фильм, сериал олаётганингизда, пьеса сахналаштираётганингизда, ҳикоя, шеър ёки дoston ёзаётганингизда ўқитувчи персонажнни ўта оддий, керагидан ортиқ камсуқум шахс, яшаш шароити ачинарли даражада бечораҳол қилиб кўрсатманг, ифодаламанг.



Кўп қузатганим, деярли барча кино ва бadiий асарларда ўқитувчи халқи бир хил гавдалантирилади: аллазамонлардан бери кийиллавериб ялтираб кетган костюм-шим, оҳори тўқилган қўйлақда, қўлида қа-а-атта попка, қабарик кўзойнакли, яғри чиққан дўппи ва албатта, бўйинда эндор галстук... Ишга ҳам ё пиеда, ёки ғирчиллаб юрадиган велосипедда қатнайди.

Тўғри, ўқитувчилар ростдан ҳам ҳалол, мўътадил ҳаёт кечирувчи, юриш-туриши, муомаласи оддийгина одамлар. Ортиқча ҳою ҳавасга ўчмас. Бироқ замон ўзгарди, давлатнинг педагогларга эътибори ўзгарди, ўқитувчиларнинг онги ўзгарди. Гарчи устозлар қалби ҳамон пок эса-да, уларнинг ҳам кийиниши, имижлари ўзгарди.

Қачонгача банкирни ё тадбиркорни башанг кўрсатиб, ўқитувчини уларга зид қўямиз? Замонавий педагог ҳам жарақ-жарақ ойлик оляпти, енгил автомобил миняпти, ҳашаматли ресторанларга боряпти, янги русумдаги телефон ишлятапти. Олий таълимдаги профессор-ўқитувчиларни айтмасаям бўлади фаровонлик борасида.

Эскича тасаввурларни ўзгартирмасак, отаналар болаларига “Кўриб қўй, сен ҳам ўқитувчи бўлсанг шундай ажайибсан, биринг икки

бўлмайди”, деб зиёлиларни қўл учидан кўрсатаверади.

Телевидение, ижтимоий тармоқлар – катта аудитория. Унда лавҳалар қандай тасвирланса, аксар аҳоли шундай қабул қилади.

Мен бу билан бир касбни бошқасидан устун қўймоқчи эмасман. Лекин алалоқибат, “Дунёда битта касб бор – ўқитувчилик. Қолган барча касблар унинг ҳосиласидир”.

Ўқитувчи бўлиб пахтага ҳам чиқдик, намунавий уйлар қурилишида ҳам ишладик, кўчаларни тозаладик, дарахтларни оқладик, уймауи юриб аҳолини рўйхатга ҳам олдик. Ҳатто, зоотехник ҳам бўлдик. Тунги сменада мактабни қорувллаш... Шукурки, булар ортда қолди. Энди ижодкорларнинг ҳам фикри ўзгарадиган вақт келди.

Ўқитувчининг жамиятдаги нуфузини оширишнинг бир учи айнан сиз – драматурглар, режиссёрлар, ёзувчи ва шоирларга боғлиқ.

Хулоса: майли, бўрттирманг, ёнингиздан қўшманг, лекин бугунги яратилаётган имкониятлар ва улардан унумли фойдаланаётган ўқитувчи ҳаётини кўрсатсангиз, шу ҳам етади.

Эркинжон ЯРАШЕВ

Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

Қадимги туркий манбаларда бу сўз “*өгдәм*”, “*өгтәм*” шаклларида учрайди. Эски турк ёзувида қояга битилган битиглардан бирида “*Өгдәм Инал*” киши оти қайд этилган. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”да бу сўзни “*өгтәм*” шаклида “*мағрур*”, “*ғурурланган*” маъноларида қўлаган: “*Бедук сўзлади сўз бу ўғтам тилинг*”. (Маъноси: “*бу мағрур, мақтанчоқ тилинг катта гапирди*”).

Бу сўз (исм) нафақат ўзбек, балки кўпчилик қардош турк (ва мўғул) тилларида ҳам бўлиб, “мард”, “мағрур”, “кучли”, “жасур”, “бағрикен”, “саховатли” каби маъноларни билдиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унга: “Ўқтам – 1. Бошқаларга ўз таъсирини, сўзини ўтказадиган, шижоатли, ўткир. “Маҳалланинг ўқтам йигити”. 2. Ҳиммати улғу, олижаноб, сахий”, деб изоҳ берилган.

Аммо унинг “мард”, “кучли”, “сахий” каби маънолари кейинчалик пайдо бўлган, келиб чиқишига қўра, бу сўз “ақл”, “фикр” маъносидан қадимги туркий “*өг*” ўзагидан, деб қаралади, “Девону луғатит турк”да: “*өг* – ақл, зийраклик”, деб изоҳланган. Бу ўзак ҳозир ҳам тилимизда фаол – “насиҳат, йўл-йўриқ” маъносидан “*ўғит*” (“*өгут*” – “*өг+ут*”) сўзида ўзгариш сакланган, “ўрганмоқ” сўзи ҳам шу ўзакдан, аммо кейинчалик унда товуш алмашинуви содир бўлган: “*өгРāt*” – “*ўРГāt*”. Умуман, “*өг*” ўзаги ҳақида узоқ тўхталиш мумкин.

Мазкур ўзакка алоқадор яна “*өг*”, “*өгмөк*” феъли ҳам бўлиб, бу феъл – “мақтамоқ, улғуламоқ, алқамоқ” каби маъноларни билдираган.



Бу феъл XIV асргача бўлган манбаларда кўп учрайди, шулардан бири – “Наҳж ул-фародис”дан: “Сахийни йад этиб дайим ёғерлер” (“*Сахийни ёд этиб доим мақтарлар*”). Ёки “мақтов”, “мадҳ” каби маъноларда илгари мазкур ўзакдан ясалган “*өгдү*” сўзи ишлатилган: “Расул аләйҳиссаломның төрт йары өгдүси” (“*Расул алайҳиссаломнинг тўрт ёри мадҳи*”). Қўтб. “*Хусрав ва Ширин*”).

Шунингдек, қадимги туркийда “қўллаб-қувватламоқ, мақтамоқ, улғуламоқ” каби маъноларга эга – “*өгтā*” (“*өгдā*”) феъли ҳам бўлган ва “ўқтам” сўзи мазкур феълга “-м” қўшимчасини қўшиб ясалган (өгдā+м – өгдām – ўқтам) ва бу сўз дастлаб “мақталган, улғуланган” каби маъноларни билдираган.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Jadid
adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:

Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Отабек Бакиров

Адади – 18 561
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 547
Лотин ёзувида – 12 014
Медиа қузатувчилар – 80 376
Буюртма: Г – 139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ